БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

36 ИЙЛ ЧИҚИШИ.

№ 128 (4119).

1 ИЮЛЬ СЕШАНБА 1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА

26 июнда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашининг якунлари тўғрисидаги докладини тинглади ва муҳокама қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг жаҳон коммунистик ҳаракати жипслигини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий йўлини ва амалий фаолиятини, КПСС делегациясининг коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада 1969 йил 5 июндан 17 июнгача бўлиб ўтган халқаро Кенгашидаги ишини батамом ва тўла-тўкис маъқуллади.

Пленум партиямиз ва халқимизнинг якдиллик билан изҳор қилган фикрини ифода этиб қуйидагиларни таъкидлади: Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгаши коммунистик, ишчилар ва бутун озодлик ҳаракатининг катта муваффақияти бўлди. Кенгаш жаҳондаги барча демократик, прогрессив кучлар ҳаракатининг ғоят кенг миқёсдаги бирлиги негизида империализмга қарши курашни янада авж олдириб юборишга жуда катта таъсир кўрсатади. Бу Кенгаш марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принциплари асосида халқаро коммунистик ҳаракат жипслигини мустаҳкамлаш йўлида муҳим босқич бўлди.

75 коммунистик ва ишчи партия қатнашган Кенгаш коммунистларнинг империализмга қарши тинчлик, демократия; миллий мустақиллик ва социализм учун кенг оммa курашига етакчилик қилаётганликларини яна бир марта кўрсатди. Коммунистлар инсониятнинг келажаги боғлиқ бўлган ҳаракатнинг тақдири учун юксак даражада жавобгар эканликларини англамоқдалар.

Кенгашга тайёргарлик ва Кенгашнинг бориши проблемаларни эркин, демократик муҳокама қилиш, ҳужжатларни коллектив равишда, кенг ошкора ишлаб чиқиш, чинакам ўртоқларча тенг ҳуқуқли асосда ҳамкорлик қилиш билан характерланди.

Кенгаш «Ҳозирги босқичда империализмга қарши кураш вазифалари ҳамда коммунистик ва ишчи партияларнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлиги» ҳужжатини, «В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги тўғрисида»ги Мурожаатни, «Вьетнамга мустақиллик, озодлик ва тинчлик!» даъватини, тинчликни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Хитобномани ва бошқа ҳужжатларни қабул қилди. Бу ҳужжатлар ҳар бир коммунистик партиянинг манфаатларига, жаҳон коммунистик ҳаракати тараққиётининг ҳозирги босқичида бу ҳаракатнинг мақсад ва талабларига жавоб беради.

Кенгаш якунлари, унинг ҳужжатлари халқаро миқёсда жуда катта аҳамиятга эгадир ва ҳозирги вақтда жаҳон халқларининг бутун эътибори бу ҳужжатларга қаратилганлиги қонуний бир ҳолдир. Халқаро коммунистик ҳаракат, замонамиздаги барча революцион, прогрессив кучлар Кенгаш ҳужжатларида империалистик реакция ва агрессия кучларига карши, бутун дунё коммунистларини, антиимпериалистик фронтнинг барча курашчиларини тобора жипслаштириш учун курашнинг туб, актуал масалаларига жавоб топмоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро Кенгашига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда актив қатнашди. КПСС делегациясининг бошлиғи ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кенгашда сўзлаган ва партиямизнинг позициясини ифода этган нутқида ҳозирги халқаро аҳвол ва кейинги тўққиз йил ичида жаҳон тараққиётида рўй берган силжишлар марксча-ленинча кенг таҳлил этилди. Бу нутқда ҳозирги замон империализми ва у ўтказиб келаётган сиёсатнинг баъзи асосий хусусиятлари, антиимпериалистик кучлар фаолияти ва курашининг асосий проблемалари таҳрифлаб берилди. Жаҳон социалистик системасини ривожлантириш, бу системанинг бирлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қилинди. ўнт ва «сўл» оппортунизмга қарши, марксча-ленинча назария ва сиёсатни ҳар қандай бузишларга қарши кураш масалалари кескин ва принципиал тарзда қўйилди. Мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг бориши тўғрисида, партиямизнинг келажакка мўлжалланган режалари ҳақида сўзлаб берилди, партиямизнинг марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми асосида коммунистик ҳаракат бирлиги учун кураш йўллари тўғрисидаги нуқтаи назари баён қилинди.

КПСС коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш учун изчил курашиб келмоқда. КПСС империализмга қарши биргаликда ҳаракат қилиш ана шу бирликни мустаҳкамлаш йўлидир, деб ҳисобламоқда. Марксизм-ленинизмга садоқат ва муштарак мақсадлар учун биргаликда кураш олиб бориш ҳаракатимизни мустаҳкамлайди, бу ҳаракат бирлигини юксак даражага кўтаришни таъминлайди. Бу замонамизнинг энг муҳим вазифасини — бутун жаҳонда империализмга қарши фронтни вужудга келтириш вазифасини ҳал этиш йўлидир.

КПСС, Совет халқи ўзининг интернационал бурчига содиқдир. Совет Иттифоқи ярим асрдан кўпрок вақтдан буён барча соҳаларда— сиёсий соҳада ҳам, иқтисодий соҳада ҳам, идеология соҳасида ҳам, ҳарбий соҳада ҳам империализмга қарши курашиб келмоқда. Бизнинг халқимиз Ленин партияси раҳбарлигида буюк революцион ўзгаришларни амалга оширди ва эндиликда фидокорона ижодий меҳнат қилиб, коммунистик қурилишнинг КПСС XXIII съезди белгилаб берган программасини амалга оширмоқда.

КПСС ва бошқа марксчи-ленинчи партиялар империализмга қарши кураш пировард мақсадларимиз учун, ишчилар синфининг меҳнаткашларнинг бошқа ҳамма отрядлари билан иттифоқ бўлиб, сиёсий ҳокимиятни ўз қўлига олиши учун, социализм учун кураши билан чамбарчас боғланган, деб ҳисоблайдилар. Улар бутун жаҳон коммунистларини жипслаштириш, барча антиимпериалистик кучлар иттифоқини мустаҳкамлаш муваффақият қозонишнинг калити, деб биладилар.

Инсоният тараққиёт кучлари билан реакция кучлари, социализм кучлари билан империализм кучлари бир-бирига қарши кескин тарихий кураш олиб бораётган бир вазиятда асримизнинг учдан икки қисмини босиб ўтиб, учинчи палласига қадам қўйди. Жаҳон революцион ҳаракати қийинчиликлар кўришига ва айрим отрядларининг муваффакиятсизликка учрашига қарамай ҳужумни давом эттирмоқда. Капитализмнинг умумий қризиси чуқурлашиб бормоқда, капитализмни емираётган зиддиятлар кескинлашмоқда. Ер куррасининг учдан бир қисмида ғалаба қилган социализм одамларнинг онги ва қалби учун бутун жаҳонда олиб борилаётган жангда янгидан-янги муваффақиятларга эришди. Коммунистик ҳаракат замонамизнинг энг қудратли сиёсий кучидир. Бизнинг давримиз капитализмдан социализмга ўтиш давридир.

Айни вақтда империализм жиддий ва хатарли душман бўлиб қолмоқда, империализмнинг агрессивлиги кучайди, у социализм позицияларини ҳар қандай усуллар билан заифлаштиришга, халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатини бостиришга, капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг курашига ҳалақит беришга, капитализмнинг олдини олиб бўлмайдиган тушкунлик жараёнини тўхтатиб қолишга интилмоқда. АҚШ империализмининг Вьетнамдаги агрессияси, Яқин Шарқдаги танглик, Америка империалистларининг революцион Кубага қарши қўпорувчилик ҳаракатлари, Шимолий Атлантик блокининг агрессив ишлари, Ғарбий Германия милитаристларининг реваншчилик йўли, эски ва янги мустамлакачиларнинг Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларидаги кирдикорлари, халқаро кескинликни яна авж олдираётганликлари, янги жаҳон урушига тайёргарлик кўраётганликлари— буларнинг ҳаммаси империалистик кучларнинг ҳозирги жаҳон тараққиётини орқага буриб юбориш учун интилаётганликларини яққол исбот этувчи далилдир.

Империализм инсониятни янада оғир кулфатларга дучор қилиши мумкин. Империализмнинг жиноий ҳаракатларига чек қўймоқ учун ишчилар синфи, демократик революцион кучлар, барча халқлар бирлашишлари ва биргаликда ҳаракат қилишлари керак. Кенгашнинг ҳужжатида айтилдики, агрессорларни жиловлаб қўйиш, инсониятни империализмдан халос қилиш — тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун кураш олиб бораётган ишчилар синфининг, барча антиимпериалистик кучларнинг зиммасига юкланган вазифадир. Бу — «ҳозирги босқичда империализмга қарши кураш ва коммунистик ҳамда ишчи партияларнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлигига эришиш вазифаларидир».

Жаҳон социализм системаси антиимпериалистик курашнинг таянчи ва ҳал қилувчи кучидир. Кенгаш таъкидлаб ўтганидек, янги дунёнинг эски дунёга қарши муваффақияти кураш олиб бориши социалистик системанинг бундан буёнги муваффақиятларига, бу системанинг жипслигига, идора қилувчи партияларнинг янги ижтимоий тузумдаги мавжуд барча имкониятлардан фойдаланишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бундан шундай хулоса чиқариш керакки, жаҳон социализм системасини мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш айни вақтда жаҳон революцион жараёнини ривожлантириш ҳақида, империализмга қарши амалий кураш олиб бориш тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳам демакдир. Кенгаш социализмни ҳимоя қилиш — коммунистларнинг интернационал бурчидир, деб катъий айтди.

Бутун партиямиз, бутун халқимиз каби КПСС Марказий Комитетининг пленуми ҳам қардош партиялар КПССнинг, совет халқининг коммунизм қурилишида эришган муваффақиятларига, тинчлик ва социализм иши учун курашга қўшган ҳиссамизга берган юксак баҳоларини самимий мамнуният билан қабул қилди. Кенгашнинг ҳужжатларида ва Кенгаш қатнашчиларининг нутқларида КПССнинг, Совет давлатининг социализм позицияларини мустаҳкамлаш учун, империализмга қарши, ўзининг социал ва миллий озодлиги учун кураш олиб бораётган халқларга бутун чоралар билан ёрдам беришга, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга ҳамда термоядро урушининг олдини олишга, турли социал тузумга мансуб бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципларини қарор топтиришга қаратилган сиёсати астойдил қўллаб-қувватланди.

Кенгашда уқтириб ўтилганидек, капитализм қалъасида ишчилар синфи революцион курашнинг, бутун демократик, антиимпериалистик ҳаракатнинг сафарбар қилувчи ва ҳаракатга келтирувчи асосий кучидир. Кейинги вақтдаги воқеалар буни яна бир марта тасдиқлади. Шу билан бирга Кенгаш меҳнаткаш деҳқонларнинг, прогрессив зиёлилар, ёшлар, хотин-қизларнинг буюк революцион имкониятларга эга эканлигини, капиталистик мамлакатлардаги бутун демократик антиимпериалистик ҳаракатнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини, Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг миллий озодлик ҳаракати жаҳон ревслюцион жараёнида ўйнаётган роли ошиб бораётганлигини ҳам таъкидлади. Социалистик система билан ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракати ўртасидаги иттифоқни мустаҳкамлаш антиимпериалистик кураш истиқболлари учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Ўз вакиллари Кенгашда қатнашган коммунистик ва ишчи партиялар жаҳондаги барча коммунистларга, империализмнинг ҳамма душманларига, тинчлик, озодлик ва тараққиёт учун курашга шай бўлиб турган барча кишиларга мурожаат қилиб, биргалашиб ҳаракат қилишни таклиф этди. АҚШ империализмига қарши курашда қаҳрамон Вьетнам халқини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш — ҳаракат бирлигининг биринчи галдаги мақсадидир. Уруш хавфига қарши, жаҳон термоядро уруши хавфига қарши, бутун дунёда тинчлик учун кураш аввалдагидек ҳозирда ҳам антиимпериалистик кучлар ҳаракат бирлигининг асосий бўғинидир. Кенгаш ҳужжатларида планетамиздаги барча қитъаларда антиимпериалистик кучлар курашининг эски ва янги мустамлакачиликка қарши, фашизм ҳавфига қарши, иркчиликнинг вахшиёна идеологияси ва практикасига қарши, ижтимоий қаётнинг ҳамма томонларини демократлаштириш учун курашнинг программаси кенг баён қилинган.

Кенгашда «В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги тўғрисида» қабул қилинган Мурожаат принципиал аҳамиятга эгадир. Бу Мурожаатда коммунистларнинг ленинизмга чексиз содиқлиги таъкидланади, ленинизмнинг умумий халқаро аҳамияти уқтириб ўтилади. Ленинизм — халқаро коммунистик ҳаракат бирлигининг идеологик негизидир.

КПСС Марказий Комитети Пленуми Кенгашнинг буржуа идеологиясига қарши изчил кураш олиб бориш, марксизм-ленинизмнинг поклиги учун, ревизионизмга, догматизмга, миллатчиликка қарши изчил кураш олиб бориш коммунистик партиялар сафларини мустаҳкамлашнинг, коммунистларни интернационал жипслаштиришнинг, бутун революцион ҳаракатда уларнинг авангардлик ролини оширишнинг зарур шарти эканлиги тўғрисидаги хулосасига катта аҳамият беради.

Хитой Компартияси ҳозирги раҳбарлари ўтказиб келаётган ташқи сиёсий йўл, уларнинг бузғунчилик сиёсати қардош партияларнинг мутлақ кўпчилиги томонидан кескин зарбага учраганлигини Кенгаш яққол кўрсатиб берди.

Марказий Комитетнинг Пленуми КПСС делегациясининг Кенгашда сўзлаган нутқида баён этилган позицияни якдиллик билан таъкидлади ва қуйидагиларни кўрсатиб ўтди: «КПСС ҳозирги Хитой раҳбарларининг антиленинчи ғоявий йўл-йўриқларига қарши, уларнинг бузғунчилик сиёсатига ва буюк давлатчилик ташқи сиёсий йўлига қарши муросасиз курашни давом эттиради. КПСС коммунизм қураётган совет халқи манфаатларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳамма ишни қилади. Шу билан бирга, КПСС совет ва хитой халқларининг туб манфаатлари мос келади, деб ҳисоблайди. КПСС совет халқининг хитой халқига нисбатан бўлган ва, шубҳасиз, Хитой халқининг Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга нисбатан бўлган дўстона ҳис-туйғуларини бундан кейин ҳам сақлашга ва қўллаб-қувватлашга интилади».

Ватанимизнинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари жаҳон коммунистик ҳаракати билан интернационал бирдамликларини, партиямизнинг сиёсатини тўла-тўкис қувватлаётганликларини якдиллик билан изҳор қилдилар. Улар КПСС Марказий Комитети Пленумининг коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгаши якунлари тўғрисидаги қарорини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Бу Қарорда Кенгаш қабул қилган ҳужжатлар маъқулланди, КПССнинг марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализмининг принципиал негизида халқаро коммунистик ҳаракатни жипслаштиришга қаратилган изчил йўли тасдиқлаб ўтилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми КПСС ва Совет ҳукуматининг ташқи сиёсий йўлини маъқуллади. СССРнинг ташқи сиёсати, дейилади қарорда, антиимпериалистик кучларнинг умумий курашида, социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигининг кучқудрати ва жипслигини мустаҳкамлашда жуда муҳим роль ўйнамоқда ва бундан буён ҳам шундай ролни ўйнайверади, бундан буён ҳам империализмнинг агрессив режаларини барбод этишнинг тинчликни сақлаш ва турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтириш, халқларнинг озодлик курашини қўллаб-қувватлашнинг амалий қуроли бўлиб хизмат қилаверади. Партиямиз ва халқимизнинг мустаҳкам иродаси шундайдир.

КПСС Марказий Комитетининг пленуми яна таъкидлаб ўтдики, иқтисодий муваффақиятлар, фан-техника ютуқлари ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш СССРда коммунизм қуриш учун, империализмга қарши кураш олиб бориш ва революцион жараённи ривожлантириш учун ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Пленум партия ва халқ олдига давлат планлари ва беш йиллик топшириклари нинг бажарилишини таъминлаш, фан, маданият ва санъат соҳасида янги баланд чўққиларга эришишдан иборат жанговар вазифаларни қўйди.

Бизнинг партиямиз, унинг Марказий Комитети ғоявий-назарий жиҳатдан кенг қўламда иш олиб бормоқдалар, марксизм-ленинизм назариясининг бойроғини баланд кўтариб бормоқдалар, бу назарияни ижодий тарзда ривожлантирмоқдалар. Марказий Комитет Пленуми ҳозирги пайтдаги энг муҳим вазифа — халқаро Кенгаш якунлари муносабати билан идеология ишини кучайтиришдан, кенгаш якунларини ва унда қабул қилинган ҳужжатларни актив пропаганда қилишни авж олдиришдан, революцион назария соҳасидаги илмий ишларни бутун чоралар билан ривожлантиришдан иборат деб кўрсатди.

Марказий Комитет Пленуми КПССнинг халқимизни совет ватанпарварлиги руҳида, социалистик мамлакатларнинг халқлари билан, ўзининг социал ва миллий озодлиги учун, демократия, тинчлик ва социализм учун курашаётган барча халқлар билан дўстлик, қардошлик ва интернационал бирдамлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги йўли асло ўзгармас эканлигини таъкидлади. Ўз партияси, ва ўз мамлакати учун ифтихор туйғуси, партия ва халқнинг яшнаши учун бутун кучни сарфлашга тайёр туриш. СССРда коммунизм қурилишининг интернационал моҳиятини чуқур англаш—онгли совет гражданига хос бўлган ана шу фазилатлар ҳозирги шароитда айниқса муҳимдир.

КПСС Марказий Комитети Совет Иттифоқининг янги жамият қурилишида эришаётган муваффақиятлари жуда катта аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, барча партия ташкилотларини, барча коммунистларни, бутун совет халкини коммунистик қурилишнинг буюк режаларини амалга ошириш учун, партиямиз ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун янада зўр фидокорлик билан кураш олиб боришга даъват этди.

КПСС Марказий Комитетининг даъвати Совет Иттифоқи коммунистлари, барча меҳнаткашларининг онги ва қалбидан чуқур жой олди, бу даъват мамлакатимизда сиёсий фаолият ва меҳнат ғайратини қучайтириб юборди. Улуғ Ватанимизнинг барча халқлари КПСС XXIII съезди, Марказий Комитет Пленумларининг қарорларини амалга ошириш учун курашда жонажон Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида янада маҳкам жипслашмоқдалар. Москва шаҳри ва Москва области партия активининг кеча бўлиб ўтган йиғилиши буни яққол ифода этди. Бу йиғилиш КПСС Марказий Комитети Пленумининг Қарорини якдиллик билан маъқуллади, бу қарорни оғишмай бажариш учун дастур сифатида қабул қилди.

Совет халқи марксизм-ленинизм байроғи остида коммунизм қуриш вазифаларини комил ишонч билан ҳал этмоқда, бутун инсониятнинг порлоқ коммунистик истиқболи сари йўл очиб бермоқда.

(28 июндаги бош мақола).

ПРОЛЕТАР ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИ ҒОЯЛАРИГА СОДИҚМИЗ

Бутун совет халқи билан бирга Ўзбекистоннинг пойтахт области меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг «Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашининг якунлари тўғрисида»ги қарорини якдиллик билан қизғин маъқулламоқдалар. Тошкент область партия ташкилоти активининг 30 июнда бўлиб ўтган йиғилиши меҳнаткашларнинг фикр-ўйлари ва ҳис-туйғуларини ифодалади.

Йиғилишда коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашининг якунлари тўғрисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар шуни таъкидладиларки, коммунистлар халқаро анжуманни қабул қилган тарихий ҳужжатлар жаҳон коммунистик ҳаракатининг жипслигидан, бутун ер юзи коммунистлари инсониятнинг келажаги учун ўз масъулиятини яхши англаб турганликларидан яққол далолат беради. Кенгаш империализмга қарши, дунёдаги барча демократик, прогрессив кучларнинг бирлиги учун курашни янада кучайтиришга жуда катта таъсир ўтказади. Бу кенгаш халқаро коммунистик ҳаракатни марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари негизида янада жипслаштириш йўлидаги муҳим босқич бўлади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитетининг принципиал позицияси халқаро анжуманда қўллаб-қувватланганлиги ҳаммамизни қувонтиради, — деди Тошкент шаҳар район партия комитетининг биринчи секретари Ш. С. Аҳмадалиева ўз нутқида. — КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кенгашда сўзлаган нутқида мамлакатимиздаги коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг улуғ Ленин ғояларига садоқат руҳи, барча антиимпериалистик кучларни марксизм-ленинизмнинг улуғ байроғи остида янада жипслаштириш тўғрисидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган фикр-ўйлари ва орзу-умидлари ғоят аниқ ифодалаб берилди.

Ўзбекистон пойтахт областининг ишчилари, колхозчилари, меҳнаткаш зиёлилари халқаро Кенгашнинг ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг якунларини қизғин табриклаб, мамлакатимизда коммунистик қурилиш ишига қўшаётган ҳиссаларини кўпайтиришни ўзларининг энг муҳим вазифалари, деб билмоқдалар. Ватанимизнинг ва бутун социалистик лагернинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада ошириш — империализмга қарши, тинчлик, тараққиёт ва демократия учун муваффақиятли кураш олиб боришнинг энг муҳим шартидир. Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари Н. М. Железнов, В. П. Чкалов номли авиация заводининг директори В. Н. Сивец, Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхози партия ташкилотининг секретари Н. Саидов ўз нутқларида шу ҳақда гапирдилар. Улар Кенгаш ҳужжатлари ва КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорлари меҳнаткашлар орасида меҳнат ғайратини ва сиёсий активликни тағин ҳам жўш урдириб юборганлиги тўғрисида, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ мусобақаси кенг қулоч ёзганлиги ҳақида йиғилиш қатнашчиларига гапириб бердилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов бундай деди: республика олимлари Кремлда қабул қилинган тарихий ҳужжатларга фан-техника тараққиёти учун курашда янги муваффақиятларга эришиш билан жавоб берадилар. Ҳозирги замон проблемаларини, жаҳон революцион ҳаракатининг умумий қонуниятлари ва хусусиятларини назарий жиҳатдан чуқур умумлаштириш, социализм ва коммунизм қурилишининг назарий проблемаларини ишлаб чиқишга доир илмий ишларни ҳар томонлама ривожлантириш зарурлиги тўғрисида партия берган кўрсатмалар академия коллективини руҳлантирмоқда, деди у.

Халқаро Кенгаш якунлари муносабати билан бутун идеология ишини ҳар томонлама кучайтириш партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бири эканлиги кенгашда таъкидлаб ўтилди. Меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва халқлар дўстлиги руҳида, пролетар интернационализми руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бериш лозим. Тарихий ҳужжатларни ҳар бир меҳнаткашга батафсил тушунтириш пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, барча коммунистларнинг шарафли вазифасидир. Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгашининг аъзоси, сиёсий бошқарма бошлиғи генерал-майор А. В. Дебалюк, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. П. Петров, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов ўз нутқларида ана шу вазифалар қандай ҳал қилинаётганлигини гапириб бердилар.

Йиғилиш қатнашчиларининг нутқларида ХКП ҳозирги раҳбарларининг бузғунчилик ва игвогарлик ҳаракатлари қаттиқ қораланди. Совет кишилари ҳар иккала мамлакат халқларининг туб манфаатлари бир-бирига мос эканлигини назарда тутиб, бундан буён ҳам хитой халқига нисбатан дўстлик туйғуларини сақлаб қолиш ва қувватлашга интила беришлари ҳақ таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш қатнашчилари якдиллик билан резолюция қабул қилиб, коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашининг якунларини ҳамда КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорини қизғин маъқуллаклилар.

Актив йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, Н. Г. Ляшченко, Н. М Матчонов, М. М. Мусахонов, Е. С Насриддинова, Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат М. Турсунов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Милас Зуфаров Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозининг М. Макаридзе бошлиқ звеносининг энг тажрибали сувчиларидан бири ҳисобланади. У шу кунларда ғўзаларни оби-тобда суғормоқда.

А. Абалян фотоси.

ҒЎЗА СУВГА ҚОНМОҚДА

Баҳорда яшил квадратларга пешма-пеш ишлов бериб, яганани илғор агротехника талабларига риоя қилган ҳолда ўтказгандик. Соғлом кўчатлардан ҳар бир уяда 2—3 тадан бўлишини таъминладик.

Шундан кейин узунасига ва кўндаланга культивация қилдик. Фосфор, селитра солдик. Ҳаво исиб, тупроқда намнинг камайиши билан ғўзани суғоришга киришдик. Аввал қатор ташлаб суғордик.

Кексалар ва тажрибали деҳқонларнинг маслаҳатини ҳам эътиборга олдик. Улар ҳар бир гектар ерга ўғитнинг йиллик нормасини шу ойнинг ўзида 60—70 процент миқдорида солишни тавсия этишди. Шунга амал қилдик. Ўтган йилга нисбатан экин майдонларига кўп ўғит ташладик. Ўғитлашдан кейин ғўзаларни қондириб суғорямиз.

А. Жумабоев, М. Аҳадов, С. Шарипов каби тажрибали сувчиларга эгамиз. Улар кеча-ю кундуз ғўзани қондириб суғормоқдалар. Ғўзаларда ҳосил шохлари тобора кўпаймоқда.

Ў. ИСРОИЛОВ.

Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхознинг участка бошлиғи.

УКРАИНА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ

Социалистик ва коммунистик қурилишда актив қатнашганлиги учун, ёшларни В. И. Ленин васиятларига садоқат руҳида тарбиялашдаги катта ишлари учун ва Украина Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг 50 йиллиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми Украина Ленинчи Коммунистик ёшлар Союзини Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлади. (ТАСС).

СЕНИ, ЁШЛИК ДЕЙДИЛАР...

(РЕПОРТАЖ)

Ёшлик!.. Сени тинчимас, тошқин-жўшқин дарё, умрнинг баҳори, дейдилар... Ҳа, шундайсан, сени таърифлай десам, мадҳингни куйлашга сўзлар тополмаяпман... Сен гражданлар урушининг барча қийинчилик ва айрилиқларини бошингдан кечирдинг, Октябрь ғалабаларини матонат билан ҳимоя этиб, сақлаб қолдинг, мамлакатни тикладинг, шаҳарлар , завод ва фабрикалар бунёд этдинг. Фашист босқинчиларини тупроғимиздан супуриб ташлаб, Европа халқларига ҳам озодлик нурларини бошлаб келгансан...

Ажойиб ўғил-қизларинг бор, ёшлик! Улар бугунги кунда саҳрода шаҳарлар қуришмоқда, оби-ҳаёт бошлаб келишяпти, тоғ-тошдан хазина излашяпти, ҳуллас — коммунизм қурилиши ишида жонбозлик кўрсатишяпти.

Оқшом шаҳарни ҳам ўз пардалари билан қуршаб олди. Эрта тонгдан бошланган ёшлик сайли, қувноқ ҳандалар, самимий суҳбатлар ва қўшиқлар бу пайтга келиб авжига минади. Кўча ва хиёбонларда йигит ва қизлар шодон сайр этиб юришибди. Бугунги байрам — Ёшлар кунига қандай совғалар билан келганларини бир-бирига айтишади, дўстлар муваффақиятларидан қувонишади.

Шаҳарнинг ажойиб оромгоҳларидан бири — Тельман номли маданият ва истироҳат боғи. Унинг хиёбонлари, ўйинлар майдончаси, театр ўринди-қлари — барча жойи қувноқ йигит ва қизлар билан гавжум. Радиодан янграётган қўшиқ овози бутун боғ бўйлаб парвоз этади. Ёшликни романтикага, жасоратларга бошлаган «Гренада», «Кўнгиллилар», «Каховка», «Ватан нимадан бошланади» қўшиқлари янграганда, ёшлар юз-кўзларида қандайдир учқун порлагандай бўлади. Бундан бир неча дақиқалар олдин йигит ва қизлар граждан, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, илғор ишчилар билан учрашишди. Уларнинг қизиқарли ва мазмунли, таъсирли хотира — ҳикояларини тинглашди...

Боғнинг кенг саҳни бўйлаб ёшлар сайр қилиб юришибди. Бир томонда шахмат-шашка, стол тенниси мусобақалари бўляпти, эстрада саҳнасида ҳарбий оркестр қувноқ марш садоларини чалади. Ўйинлар майдончасида барча миллат вакиллари рақсга тушишади...

Мен қувноқ суҳбат қилиб, юриб келаётган ёшларнинг бир гуруҳига дуч келдим. Булар — ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг битирувчилари. Улардан бири Султон Наҳмиддинов механизациялаш факультетини битиряпти.

— Қишлоққа йўлланма олдим, — дейди у, — ўрним ўша ерда. Ахир, ҳали очилмаган қанча-қанча қўриқ ерлар бўш ётибди...

Ўша оқшом бундай учрашувлар жуда кўп бўлди. Қурувчи Ҳожиқурбон Ашуров, ишчи Саид Исомов, студентлар Узоқбой Хўжаберганов, Гадоймурод Каттаев ва ўнлаб бошқа йигит-қизларнинг қалб сўзларини, орзуларини, бу кунга қандай ғалаба билан кириб келганларини тингладим...

Мен боғ дарвозаларидан чиқиб, бугунги таассуротларни ўйлаб йўлга тушдим. Ёшлар оромгоҳи томон келаётганларнинг эса, охири кўринмасди. Сайл энди авжига чиқарди...

Эртага эса, ёшларни улуғ ишлар, романтика чорлади...

Т. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

БИРИ-БИРИГА ДЎСТ, БИРИ-БИРИГА ҲАМКОР

Дунёда мазмуни кенг сўзлар кўп. Аммо, бисотимиздаги, «дўстлик» сўзи йўқолса маънавий дунёмиз қанчалар қашшоқлашиб қолган бўларди! Зеро ҳаётимизни бусиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Цехга кириб келганимизда буни яна ҳам ёрқиноқ ҳис қилдик. Ҳамроҳимиз — цех бошлиғи Тўланбой кўксини ана шу илиқ ҳис қамраб олгани сезилиб турарди.

Ҳар қандай жойда ҳам энг қизиқарлиси — одамлар. Коржома кийган ишчиларнинг чеҳраларида ўзига хос жозиба бор. Бу чеҳраларнинг муштарак ифодаси — балқиб турган дўстлик туйғуларидир.

— Шу бригина цехимизда йигирмадан кўп миллат бор, — дейди Тўланбой диққатимизни бўлиб, — ана у мордвин, ёнидагиси белорус. Энди бу ёққа қаранг.

Ажабо! Рус, чуваш, корейс, арман, тожик, немис, осетин, марий, бошқирд... Бунчалик кўп миллат вакилларини гулдастадай бир жойга тўплаган куч нимада экан? Дўстлик, албатта!

...Цехда илгарилари топшириқлар яхши бажарилмас экан, Тўланбойнинг боши қотар, «нега ишимиз олдинга силжимайди» деб ўйларди. Бир неча кунгача кўнгли ёзилмай юрди. Мажлисларда гап қочиб қолса, бошини қуйи солиб дардини ўзи ютарди. Ниҳоят, цехда иш усулини ўзгартириш фикри туғилди. «Бригада методига ўтиш керак!» — бу қатъий фикрини цех ишчиларига айтди. Уларга маъқул бўлди.

Аввалларн ҳар бир смена аъзоларн иш охирида иккинчи сменага дастгоҳларни, ишни топширар, бунга камида 20—30 минут вақт кетарди. Энди-чи? Бир бригада аъзолари икки ёки уч сменага бўлиниб ишлашади. Бу ерда ҳамма нарсадан бригада манфаати устун туради. Дастгоҳлар бир дақиқа ўтиш тўхтатилмай бригада аъзоларининг қўлидан-қўлига ўтади. Ишлаб чиқариш узлуксиз давом этади. Бордн-ю, бир ишчининг дастгоҳи иш вақтида бузилиб қолса, бригаданинг бошқа аъзоси қараб турмайди, дарҳол унга ёрдам беради.

Бир ойдаёқ янгилик ажойиб самара берди. Меҳнат унумдорлиги 10 процент ошди. Ишчилари айтмайсизми! Бир-бирига жуда аҳил, қувноқ. Меҳнат интизоми ҳам жойида.

Ишдан кейин цех аъзоларининг кўпчилиги уйларига шошилмаётгани ажаблантирарди, кишини.

— Сиз ҳам озгина вақтингизни аяманг, — деди Тўланбой менга, — бадиий ҳавасқорларимиз санъатини ҳам бир кўринг.

Саҳнада хозиргина дастгоҳлар ёнидан келган йигит-қизлар қувноқ рақсга тушиб кетишди. Слесарь Анатолий Побединский — барабанчи. Улардан кейин сим ўровчи Маъмура Қўчқорова рақс ижро этди. Ўзбекча «Соғиниш» қўшиғи рустилида янграган «Москва оқшомлари»га уланиб кетар, Георг Отснинг севимли эстонча қўшиқларидан тортиб, шўх грузин лапарларигача ишчи йигит-қизлар ижросида дилларга олам-олам завқ бағишларди.

Тўланбой ўнлаб шогирдлари қаторида табассумдан чеҳраси ёришиб, кўзлари ёрқин сахнага тикилган. У ҳар бир қўшиқ ё рақс ижро этган одамнинг меҳнат ва оиладаги бахти ҳақида мароқ билан гапириб берарди. «Мана, шулар тўғрисида ёзинг», деди у.

Ким ҳақида ёзайлик? Ўзбек йигити Миркарим Турсунматов, қозоқ йигити Худойберган Қувондиқов ҳақидами ёки украин Юрий Лазаренко, рус йигити Юрий Мерзляков хусусидами? Сайёра Султонова ҳақида қанча илиқ гаплар айтсак, арман қизи Галина Геворгянга ҳам шу илиқ сўзлар муносиб. Шунинг учун ҳам цехнинг ярим-айрим гуллари борасида эмас, ана шу коллективнинг ўзи — ажойиб гулдаста ҳақида ҳикоя қилдик.

Гулдастанинг нечоғли чиройли чиқиши уни йиққан устознинг маҳоратига боғлиқ, албатта. Шу сабабли ўша устоз — цех бошлиғи Тўланбой Худойбердиев ҳақида икки оғиз айтиб ўтсак жоиз бўларди.

Тўланбой — ёш йигит, ёш бўлса ҳам кўпчиликкка бош йигит. Истараси иссиқ, мулойим. Аммо, бу мулойимлик бўшлиқ ифодаси эмас. У яхшига мулойим. Ҳозирча эса ҳеч ким унинг раъйини қайтарган эмас. Чунки у доим каттаю-кичикнинг кўнглини топа олади. Тўланбойнинг Москвадаги олтин ва рангли металлар институтини тугатганига ҳам етти йил бўлиб қолди. У цех бошлиғи даражасигача ўйлин зинама-зина босиб ўтди. Бу йиллар ичида Чирчиқдаги қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати унинг кўз олдида ўсиб-улғайди. Ҳозир комбинат вольфрам симн тайёрлаётган Иттифоқдаги ягона корхона ҳисобланади. Мамлакатимиздаги ҳамма йирик шаҳарлар бу қимматли маҳсулотни шу ердан олишади. Вольфрам симн эса асосан Тўланбой етакчилик қилаётган цехда қўлдай чиқади...

Тўланбойнинг орзуси ҳали юксак. Ў ҳозирги эришган босқичи билан кифояланмоқчи эмас. Дўстлик чаманзорида ҳали кўп гулдасталар теради ўз ҳаётини ҳам гулларга бурмоқчи.

Ҳ. ИКРОМОВ,
Чирчиқ шаҳри.

ЁШ ПАРАШЮТЧИЛАР МАКТАБИ

Чирчиқдаги индустриал техникумда кейинги вақтларда ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишн анча жонланди. Бунда запасдаги офицер Б. В. Князевнинг хизмати катта. ДОСААФ бошланғич ташкилотининг раиси этиб сайланган Князев ўқувчи ёшларда парашют спортига қизиқиш уйғотди. Унинг ташаббуси билан парашютчилар секцияси ташкил қилинди. 60 га яқин йигит-қиз парашютни ўрганиб, аввалига вишкадан сакраб машқ қилишди. Сўнгра ўз устозлари раҳбарлигида сакрашди ва 3-разрядли парашютчи нишонини олишди.

ДОСААФ бошланғич ташкилоти олиб бораётган ишлар фақат парашютчилар тайёрлаш билангина чегараланмайди. Техникумнинг кўпгина студентлари мерганлик билан қизиқишади. Улар ўз кучлари билан жуда яхши тир жиҳозлаб олишди.

Армияга чақирилиш ёшида бўлган кўпгина йигитлар мотоциклни ҳам ўрганишмоқда, мотоспорт билан шуғулланишмоқда. Техникумда «Ватан ҳимоясига тайёрлан» ҳарбий-спорт комплексига норма топшириш яхши ташкил этилган.

Н. СЕРГЕЕВ.

Пойтахтимиздаги «Учқун» тўқимачилик-галантерия фирмасининг ишчилари кенг халқ истеъмоли товарларини кўплаб тайёрлашмоқда. Суратда: тўқув цехининг пешқадамлари Светлана Василюк ва Дилором Аҳмаджоновалар кашта тўқиш жараёнини кузатишяпти.

Янгийўл шаҳридаги маданий-маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг пойафзал цехи коллективи ойлик топшириқларни доимо ошириб адо этмоқда. Шу кунларда улар 13 турдаги пойафзалларни ишлаб чиқаришяпти. Суратда: цех бошлиғи А. Аҳмаджонов ва мастер В. Ғуломов ўртоқлар янги туфлини кўздан кечиришяпти.

Ф. Лутфуллаев фотоси.

•

Республика марказий статистика бошқармасининг ҳисоблаш пунктида халқ хўжалиги ютуқларига доир ҳисоботлар тайёрланади. Бунда электрон ҳисоблаш машинаси жуда қўл келмоқда. Суратда: Н. Мовчинская раҳбарлик қилаётган ҳисоблаш аппаратининг операторлари иш устида.

М. Нуриддинов фотолари.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИ

Янгийўл шаҳридаги саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш, беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Бу умумхалқ ҳаракатида актив иштирок этаётган қатор саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Колбаса-тажриба, гидролиз заводлари ҳамда мебель фабрикаси коллективлари шулар жумласидандир. Ўзаро мусобақада пешқадамлик қилаётган бу корхоналарнинг ишчи-хизматчилари планларни муттасил ортиғи билан адо этмоқдалар.

Айниқса, гидролизчиларнинг меҳнати тақдирга сазовордир. Улар ички резервларни ишга солиш, мавжуд асбоб-ускуналар қувватидан унумли фойдаланиш, илғор иш усулларини қўлланиш туфайли давлат планларини ой сайин ортиғи билан бажаришяпти. Шу йилнинг беш ойлик топшириғи ҳам муддатидан илгари адо этилди. Қўшимча бир неча минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Заводнинг ачитқи, спирт, буғ цехлари коллективлари янада самарали меҳнат қилмоқдалар. Улар май ойи топшириғини 110 процентдан орттириб бажаришди. Катта қайнатувчи М. Хон, катта инокуляторчи Е. Зубенко, буғ қозони машинисти Ю. Аббосов ўртоқлар синтари ўнлаб ишчилар меҳнатда касбдошларига намуна бўлмоқдалар. Нормаларни доим 1,5 бараварга етказиб адо этишяпти.

Мебель фабрикаси коллективи ҳам ярим йиллик топшириқни бажариш арафасида турибди. Шу вақтгача бу ерда плондагидан ташқари жуда кўп миқдорда турли-туман уй жиҳозлари тайёрланди ва савдо шохобчаларига етказиб берилди.

ШИЖОАТКОРЛАР

Пойтахтимизнинг кўркига кўрк, хуснига хуси қўшиб турган талайгина бинолар 159-треснинг 53-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қўлидан чиққан. Ҳозир мазкур бошқармаснинг ўнлаб бунёдкорлари Полиграфия комбинати қурилишида жавлон урнимоқда.

Ғишт терувчилардан тортиб, сувоқчиларгача ҳамманинг қўли-қўлига тегмайди. Барчанинг фикри-зикри объектни муддатида фойдаланишга топширишдир.

Айниқса, бўёқчилар бригадасининг иши диққатга сазовор. А. Михалис бошлиқ бинокорлар май ойи планини 120 процентга бажариб, шу кеча-кундузда иккинчи кварталнинг сўнгги ойи планини ҳам адо этиш арафасида туришибди. А. Назаров, К. Ғофуров, Ҳ. Мавлубоева синтари қалби оташ ёшлар кунлик нормани бир ярим, икки баравар адо этиб, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

А. НОРҚУЛОВ.

МЕҲНАТ ШАРОИТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

«Узбекшахтосгрой» трести бинокорларн қурилиш ишларини олиб боришни енгиллаштиришга қаратилган қатор мосламаларни қўлланмоқдалар. Уни қурувчиларнинг ўзлари ясашяпти. Хоналарни бўяшда эски кислород қирқгичларидан тайёрланган мосламалар ишлатила бошланди. Шу тадбирнинг ўзи буёш ишлари суръатини икки баравар тезлаштирди, бўёқнинг исроф бўлишини кескин камайтирди. Меҳнат шароити эса яхшиланди.

Оҳангарон бинокорлари йўлга қўйган яна бир янгилик шундан иборатки, биноларда тешик очиш учун компрессор агрегатларидан фойдаланиляпти. Бундай агрегатни бир кишн бошқаради. Буни жорий қилиш ҳисобига ҳар йили минглаб сўм давлат маблағи тежаб қолинади.

В. САЖНОВ.

МАСТЕР — ТАШКИЛОТЧИ ВА ТАРБИЯЧИ

Мастер ишлаб чиқаришнинг қуйи звеносига раҳбарлик қилади. Ҳар бир корхона фаолиятининг муваффақияти кўп жиҳатдан шу звенога боғлиқдир, дунки у ишлаб чиқаришнинг асосн ҳисобланади. Бу звено қанчалик соз вз гез ишласа, ишлаб чиқариш интизомига амал қилса, умумколлективнинг иш кўрсаткичлари шунчалик ортиқ бўлади.

Шунинг учун ҳам сўнгги вақтларда жуда кўп завод-фабрикалар қатори Ўзбекистон пахтачилик машинасозлиги заводи маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари мастерларнинг мавқеини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришдаги ролини ва коллективни тарбияловчи сифатида масъулиятини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шу мақсадда корхонада бир қатор ташкилий тадбирлар амалга оширилди.

Мастерларнинг улар раҳбарлик қилаётган участка иш кўрсаткичларидан манфаатдорлигини ошириш юзасидан муваққат Низом ишлаб чиқилди. Бу Низомнинг қўлланилиши билан саноат қуйи командирларининг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги ва коллективни тарбиялаш соҳасидаги роли ошди. Бу тадбир коллективга қандай манфаат келтирмоқда? Шу ҳақда завод бош инженери Георгий Миронович Никифоров қуйидагиларни ҳикоя қилди.

— Катта мастерлар ва мастерлар ролини ошириш ҳақидаги Низом пухта тайёрланди. Бу ишда юзлаб ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар иштирок этишди. Яқин-яқинларда ҳам мастер лавозимига дипломли мутахассисларни тайинлаш амримаҳол эди. Чунки бундай мутахассислар шундай ишда меҳнат қилишни кўпинча хоҳламас эдилар. Мастер оладиган ойлик маош 115—120 сўмдан ошмасди. Айни вақтда ўрта малакали ишчи 180 сўмгача етказиб иш ҳақи оларди. Ҳатто ишчи меҳнат қилиш давомида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрта ёки олий техник маълумот олганда ҳам мастер бўлиб ишлашга кўнмаслиги каби ҳоллар кўп бўларди.

Бундай аҳвол биз, корхона раҳбарларини ўйлантириб қўйди. Уни бартараф этиш керак эди. Чунки эски тартибнинг давом этиши ишлаб чиқаришнинг муҳим звеносини бўшаштириб қўйиши мумкин эди.

Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси асосида ишлаш, ишлаб чиқариш участкаси мастери ишини чуқур ва синчиклаб анализ қилиш натижасида биздан мастернинг ишлаб чиқаришни ташкил этувчи сифатидагина эмас, шу билан бирга коллективни тарбияловчи сифатида ҳам ролини оширишимизни тақозо этди. Шундан сўнг маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган ва буюмлар тайёрлашга меҳнат сарфиётини камайтириш бўйича ойлик топшириқларни муддатида ва муддатидан илгари, маҳсулотни биринчи кўрсатишчиқариш участкаси барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича топшириқни бажарса, мастерга барча ишчилар учун белгиланган мукофот системасидан ташқари унинг ойлик маошининг 10 процентн миқдорида қўшимча ҳақ тўланади. Бу бошқа рағбатлантирувчн кўрсаткичларнинг бажарилишидан мустасноднр.

Бугун машина-комплекти бўйича топшириқ номенклатура бўйича бажарилса, мастерга маошининг 25 процентн миқдорида мукофот тўланади, агар бу топшириқ муддатидан илгари адо этилса, унинг ҳар бир куни учун мукофот 2,5 процентдан ортиб боради.

«ЎЗБЕКХЛОПКОМАШ» ЗАВОДИДА МАСТЕРЛАР РОЛИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ИШ ТАЖРИБАСИДАН

даёқ техника контроли бўлимига топширш, шунингдек моддий-техника таъминоти ва кооперация асосида маҳсулот жўнатиш бўйича топшириқларни бажарганлик учун катта мастерлар, мастерлар, моддий-техника таъминоти бўлими группаларининг раҳбарлари ҳамда диспетчерларнн мукофотлаш ҳақидаги вақтнча Низом ишлаб чиқилди. Низом корхона коллективи томонидан тўла маъқуллангач, шу йилнинг биринчн апрелидан бошлаб жорий этилди.

Бу мастерлар ролини ошириш билан бирга, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга олиб келди. Илгари мастер планерка-ларда одат бўйича фақатгина «камёб» деталларнинг бажарилиши ҳақидагина ҳисобот берарди, бошқа деталлар қандай тайёрланаётганлиги ҳақида ундан ҳеч нарса сўролмасди. Эндиликда эса у смена учун топширилган машина-комплектнинг ўз вақтида тайёрланиши учун тўла жавоб беради. Бу эса уни бутун участкада меҳнатни тўғри ташкил этиш, ҳар бир ишчини иш билан таъминлаш ҳақида муттасил қайғуришга мажбур этади. Бундан ташқари мастер участкада тайёрланаётган маҳсулот сифатига ҳам тўла жавоб беради.

Низомга мувофиқ, агар ишлаб чиқариш участкаси барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича топшириқни бажарса, мастерга барча ишчилар учун белгиланган мукофот системасидан ташқари унинг ойлик маошининг 10 процентн миқдорида қўшимча ҳақ тўланади. Бу бошқа рағбатлантирувчн кўрсаткичларнинг бажарилишидан мустаснодир.

Бугун машина-комплекти бўйича топшириқ номенклатура бўйича бажарилса, мастерга маошининг 25 процентн миқдорида мукофот тўланади, агар бу топшириқ муддатидан илгари адо этилса, унинг ҳар бир куни учун мукофот 2,5 процентдан ортиб боради.

Низомда мастернинг белгиланган топшириқ бажарилмаганлиги учун жавобгарлиги ҳам назарда тутилади. Жумладан, унда номенклатурадаги топшириқнинг бирор кўрсатгичн участка томонидан бажарилмаса мастерга тўланадиган мукофот миқдори 50 процент камайиши ҳақида пункт бор.

Низомда участкада тайёрланаётган буюмларнинг юксак сифатлилиги учун мастерни рағбатлантириш ҳам ҳисобга олинган. Агар участкада тайёрланилган барча маҳсулотнинг 65—70 процентн биринчн кўрсатишдаёқ техника контроли бўлимига топширилса мастер маошининг 5 процентн, агар ялпи маҳсулотнинг 70 процентдан кўпроғи нуқсонсиз топширилса, 10 процентн миқдорида мукофот олади.

Заводда тайёрланаётган маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва уни меҳнат сарфиётини камайтириш ишига ҳам мастерлар актив жалб қилинган. Низомда техник асосланган иш нормаларни жорий қилиш ва буюмларга меҳнат сарфиётини камайтириш бўйича топшириқ бажарилса, катта мастер ва мастер ойлик маошининг 10 процентн миқдорида мукофотланиши, агар бу соҳалардаги топшириқ ошириб бажарилгуде бўлса унинг ҳар бир процентн ҳисобига мукофотни 0,5 процент ошириш назарда тутилади.

Ишлаб чиқариш участкалари мастерлари ролини оширишга қаратилган бундай тадбирларнинг қўлланилиши жуда яхши самара бераётганлигини кўп мисолларда кўрсатиш мумкин.

Коллектив шу йилнинг апрель, май ойларида маҳсулотни реализация қилиш планнни муваффақиятли бажарди, қўшимча ўнларча минг сўмлик пахтачилик машиналари тайёрланди. Маҳсулотнн бир меёрда ишлаб чиқариш анча яхшиланди. Агар 1968 йилда ҳар ойнинг биринчи декадасида ойлик топшириқнинг 7 процентн миқдорида маҳсулот тайёрланган бўлса, шу йилнинг апрель ойида бу кўрсаткич 18 процентни, иккинчи ўн кунликда эса 24 процентни ташкил этди. Маҳсулотни техника контроли бўлимига биринчи кўрсатишдаёқ топшириш 15—16 процент кўпайди, техник асосланган иш нормалари тобора кўпроқ жорий қилинмоқда.

Янги Низомнинг қўлланилиши мастерларнинг ўз иши самарасидан манфаатдорлигини кескин оширди. Шу йилнинг март ойида мастерларнинг ўртача маоши 120—125 сўмни ташкил этган бўлса, апрель ойида у анча ортди.

Масалан, қуюв цехи мастери топшириқ участка бўйича ортиғи билан адо этилганлиги учун қўшимча 29 сўм маош олди. Темирчилик-пресс цехи мастери А. Мусаев маҳсулот биринчи кўрсатишдаёқ топширилганлиги учун 11 сўм 50 тийин ва участка планни ошириб бажарганлиги учун 21 сўм 86 тийин мукофот олди. Шу цех мастери И. Саакяннинг ойлик маоши 37 сўм ошди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Завод маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотларининг ишлаб чиқариш участкаси мастери ролини ошириш бўйича иш тажрибаси бошқа корхоналар коллективлари ўртасида ҳам кенг ўрганиш ва қўлланишга молиндир. Чунки ишлаб чиқаришни ташкил этувчи ва коллективни тарбияловчи мастернинг меҳнати чуқур ҳурмат қилинишга, шу билан бирга ҳартомонлама моддий ва маънавий рағбатлантиришга арзирлидир.

Ф. КАРИМОВ.

ҒАЛЛАКОРЛАРГА КЎМАКДОШМИЗ

Беполён қир, адирларда донга тўла олтин бошоқларни йиғиштириб олиш ишлари қизғин бошланиб кетди. Яил бўйи пешона тери тўкиб етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда нес-нобуд қилмай давлат омборига етказиб берилиши ҳаммамизнинг ҳам шарафли ишимиз ҳисобланади.

Ўтган йили коллективимиз илгор «Ғаллақудуқ» совхозига ўримда яқиндан ёрдам кўрсатиб, ўрим-йиғимни қисқа муддатда ўтказишда муносиб ҳисса қўшгани учун совхоз дирекцияси ва партия ташкилотининг раҳматномасига сазовор бўлган эди.

Бу йилги мавсумга ҳам коллективимиз пухта тайёргарлик кўрди. 20 машина техник жиҳатдан тахт қилиб қўйилди. Машина ва прицепларнинг кузови дон ташишга мослаштирилиб, бортлари яна бир бор кўздан кечирилди. Автомашиналарни галла ўримига пухта тайёрлаш ишн карбюраторли автомашиналар колоннаси бошлиғи коммунист ўртоқ Зинур Хамидов зиммасига юклатилган.

Бу автоколоннада шоферлалар галлани идишга солмай ташишга кўчганлари учун, автомашиналар шунга тўла мослаштирилган. Юк машиналарини мавсумга пухта тайёрлашда слесарлардан Даврон Рустамов, Анвар Юнусов, мисгар Лёня Акиншец, электр пайвандчи Анатолий Дорофеевлар кундалик нормаларини 1,5—2 ҳиссадан бажаришди.

Галлани комбайндан группа усулида ташиб олишга биркитилган машиналар ва қабул пунктига элтувчи автомобилларнинг 1,5—2 сменада ишлаши юзасидан аниқ графиклар тузилди. Автомашина ва прицеплардан унумли фойдаланиш учун ҳамма тадбирлар белгиланди.

Галла ўрим-йиғимида иштирок этаётган машиналарга техника хизмати кўрсатиш мақсадида кўчма авторемонт устахонаси ишга туширилди. Дон ташишда белгиланган нормаларини ошириб бажарган шоферлар моддий жиҳатдан рағбатлантирилиб борилади.

Тўхтамурод УСМОНОВ,
Область автотрестига қарашли 74-автобаза механиги.

ОБЛАСТЬ ТЕРРИТОРИЯСИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ БУЗГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашлар депутатлари XII чақириқ Тошкент область Советининг шу йил 18 июнда бўлиб ўтган иккинчи сессияси «Тошкент области территориясида жамоат тартибини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда таъкидлаб ўтилдики, совет қонунларини ва социалистик жамоат тартиби қоидаларига риоя қилиш — СССР гражданларининг конституцион бурчларидир. Жамоат тартибини намунали йўлга қўйилиши халқ хўжалиги корхоналари, фан ва маданият, давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятларининг муваффақиятли ишлашида ҳамда, меҳнаткашларнинг ҳалол меҳнатдан кейин мазмунли дам олишларининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Область Совети область территориясида жамоат тартибини мустаҳкамлаш мақсадида **қарор қилади:**

1. Гражданлар жамоат жойларида жумладан кўчаларда, стадионларда, боғ ва хиёбонларда, оммавий дам оладиган жойларда, театр ва кинотеатрларда, бозорларда, транспортда, вокзалларда, магазинларда, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида, ётоқхоналарда, ҳовлиларда, уйларнинг йўлакларида жамоат тартибини сақлашга мажбурдирлар. Юқорида қайд қилинган жойларда гражданларнинг маст ҳолда юришлари ман этилади.

2. Магазинларда, ошхоналар ва бошқа жамоат овқатланадиган корхоналарда, спиртли ичимлик қуйиб сотиш ман этилган савдо тармоқларида, шунингдек бозорларда, уй йўлакларида, кўчаларда, боғларда, стадионлар, ҳовлиларда спиртли ичимликлар ичиш ман этилади.

3. Ҳовлиларда, йўлакларда, боғларда, бозорларда, транспортда ва бошқа жамоат жойларида турли қимор ўйинлари ўйнаш қатъиян ман этилади.

4. Итларни қаровсиз ҳолда ушлаб туриш ман этилади.

5. Турар-жойлар яқинида жойлашган корхона ва ташкилотлар маъмуриятлари тунги смена ишлаётган вақтда ишлаб чиқариш жойларида тинчликни сақлашни таъминлашлари керак.

6. Клублар, театрлар, кинотеатрлар, стадионлар, боғлар, магазинлар, ошхоналар, ресторанлар, ётоқхоналар, шунингдек уй-жойни фойдаланишга топшириш конторларининг маъмуриятлари, комендантлар ва уй бошқарувчилари жамоат тартибини бузувчиларни огоҳлантиришлари ва унга қарши қатъий курашишлари керак.

7. Кўчаларда, майдонларда, ҳовлиларда ва бошқа жамоат жойларида қўлда савдо қилиш ман этилади.

8. Ушбу қарорнинг 2-пунктини СССР Олий Совети Президиумининг 1961 йил 19 апрелдаги «Ичкиликбозликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. 3 ва 4-пунктларини бузганликлари учун шаҳар, районлар, қишлоқлар ва поселка Советлари ижроия комитетлари қошидаги маъмурий комиссиялар томонидан огоҳлантирилади ёки 10 сўмгача штраф ундирилади. Милиция ходимлари томонидан эса тартиб бузилган жойнинг ўзида бир сўм миқдорида штраф олинади.

Маъмурий комиссияларига, милиция ходимларига, кўнгилли халқ дружиначиларига қуйидагилар тавсия этилади:

Ўз йиғилишларини тартиб бузувчилар ишлаётган ёки ўқиётган корхонадаги жамоат вакилларининг иштирокида ўтказиш, шунингдек, корхона, муассаса, ташкилотларда, ётоқхоналарда ўтказишни тажрибада қўллаш;

агарда бу мақсадга мувофиқ деб топилган тақдирда жамоат тартибини бузганлик ҳақидаги материалларни ўртоқлик судларига ёки ўша шахс ишлаётган, ўқиётган, яшаётган жойлардаги жамоат ташкилотларига кўпчилик таъсирини ўтказиш учун юбориш;

жамоат тартибини бузганлиги учун маъмурий чора кўрилганлигини тартиббузарнинг иш жойига, ўқиётган ёки яшаётган жойидаги жамоат ташкилотларига маълум қилиб қўйиш.

Ушбу қарор маҳаллий матбуотда эълон қилингач 15 кундан кейин кўча киради ва Тошкент области территориясида 2 йил давомида ҳаракатда бўлади.

ЎЗБЕКИСТОНДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

ЮКСАЛАЁТГАН МАДАНИЯТ

Қолоқ феодал мамлакатда ғалаба қозонган 1921 йилги Монголия халқ революцияси монгол халқи тарихида янги даврни бошлаб берди. Бу революция Улуғ Октябрнинг бевосита таъсири ва Халқ Революцион партиясининг раҳбарлигида амалга ошди. У халқ оммасининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий қолоқлигига барҳам берди, барча маданий бойликларни меҳнаткашлар мулкига айлантирди, янги социалистик маданият вужудга келтириш учун асос солди.

Бизнинг халқимиз улуғ совет халқининг қардошларча ёрдами туфайли мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида бўлгани каби, маданий қурилиш соҳасида ҳам мислсиз муваффақиятларга эришди. Монголияда маданий революция амалга ошди. Ўтмишда Шарқнинг энг қолоқ мамлакатларидан бири бўлган Монголия тез юксалаётган социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари оиласига кириб олди.

Революциягача Монголияда бironта ҳам халқ мактаби, бironта ҳам маданият муассасаси йўқ эди.

Ғарчи монголларнинг халқ санъати кўп асрлик анъанага эга бўлса ҳам, у вақтларда кенг тараққий этиш имкониятига эга эмасди. Фақат халқ ҳокимияти йилларидагина Монголия маданияти ва санъати ўзининг чинакам гуллаш даврига кирди.

Революциягача бўлган Монголияда бironта ҳам профессионал театр йўқ эди. Ҳозир эса мамлакатда 10 та профессионал театр коллективи мавжуд. Бу театр репертуарларида ҳозирги замон миллий драматургларининг пьесалари ва жаҳон классик драматургиясининг асарлари бор. Эндиликда монголлар Бетховен, Лист, Шопен, Бах, Бородин, Чайковский, Шостакович ижоди билан яхши танишдирлар.

Бизда ҳозирги замон бадиий ижодиётининг ҳамма турлари: драма, опера, балет, кино, цирк, тасвирий санъат муваффақият билан ривожланмоқда. Завод ишчилари, давлат хўжалик бирлашмаларининг аъзолари, хизматчилари ва ўқувчиларнинг бадиий ҳаваскорлик тўгараклари кенг ривожланмоқда. Ҳар хил тўгараклар ва коллективларда ўн минглаб кишилар қатнашмоқда.

Ҳар бир аймоқ (область), сомон (район), давлат хўжалиги, барча шаҳар ва аҳоли яшайдиган жойларда маданият саройлари ва уйлари, клублар, қизил бурчаклар, кутубхоналар очилган. Доимий ва кўчма киноустановкалар ишлаб турибди. Уларнинг фаолияти йил сайин яхшиланиб бормоқда. Биргина мисол келтирай: агар 1960 йили ҳар бир монгол томошабини ўртача бештадан киносеанс кўрган бўлса, ҳозирги вақтда бу рақам қариб икки баравар ошиб кетди. Ҳозирги замон маданиятидаги яхши ва илғор нарсаларнинг ҳаммаси, шу жумладан матбуот, радио ва телевидение меҳнаткаш халқнинг мулки бўлиб қолди. Бинобарин, монгол халқининг маънавий бойлиги, савияси ошди.

МХР маданий қурилишидаги муваффақиятлар партиямизнинг миллий санъатнинг энг яхши традицияларини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган сиёсати ва жаҳон классиклари, қардош мамлакатлар маданияти ютуқларининг кенг пропаганда қилиниши натижасида қўлга киритилди.

МХР меҳнаткашлари асрий қолоқликка барҳам беришда Совет Иттифоқининг бизга кўрсатган катта ёрдамини сира унутмайди. Минглаб совет мутахассислари монгол халқ давлати барпо этилгандан буён ўтган 48 йил давомида бизга бегараз кўмаклашиб келмоқдалар.

Биз Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар маданий муассасалари билан қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз. Ҳозирги замон миллий маданиятимизни ривожланишига самарали таъсир кўрсатаётган совет маданиятидан ўрганишни ўзимизнинг бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг ҳар хил мамлакатлар билан, айниқса социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан маданий алоқаларимиз анча кенгайди. Қариб ярим асрлик тараққиёт йўлимизга назар ташлар эканмиз, биз совет халқи билан қардошларча дўстликка алоҳида эътибор берамиз. Монгол-совет дўстлиги жамияти энг обрўли ва оммавий ташкилотдир. Айтиш мумкинки, бу умумхалқ ташкилотига республикамизнинг 1 миллион 200 минг аҳолисининг деярлик ҳаммаси аъзо бўлиб кирган. Сўнгги йилларда Белоруссия, Озарбайжон ва Молдавияда ўтказилган МХР кунлари ва Белоруссия, Озарбайжон ва Молдавия ССРнинг Монголияда ўтказилган кунлари бизнинг қардошларча дўстлигимиз ва яқин алоқаларимизнинг яна бир ёрқин намойишига айланди. Ҳозир Ўзбекистонда МХР кунлари ўтказилаётган экан, октябрь-ноябрь ойларида биз Ўзбекистондан борадиган меҳмонларни ўз юртимизда кутиб оламиз. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 52 йиллиги байрами кунларида монгол-совет дўстлиги ойлиги бўлиб ўтади. Ўзбекистон ССР кунлари Монголияда ана шу унутилмас дамларда бўлади.

Келгуси йил биз ўзимизда Латвия ССР кунларини ўтказмоқчимиз. 1971 юбилей йилида эса РСФСР кунларини ўтказишни планлаштирмоқдамиз. МХРЛ Марказий Комитети Монголия Халқ Республикасида В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик кўриш ҳақида махсус қарор қабул қилди. Жамиятимиз яқинда ўз Марказий Советининг III Пленумини ўтказди. Бу Пленумда бутун мамлакат бўйлаб монгол-совет дўстлиги жамияти томонидан ўтказиладиган юбилей тадбирларининг конкрет плани муҳокама қилинди ва тасдиқланди. Монгол ва совет лекторлари томонидан лекциялар ўқиш, башарият доҳийси тўғрисидаги хотираларни нашр этиш, махсус радио ва телеэшиттиришлар тайёрлаш, Ленин ҳақидаги фильмлар кўригини ўтказиш, юбилей адабиётлари, плакатлар нашр этиш мўлжалланмоқда.

«Ленин йили»да биз МХР меҳнаткашларининг рус тилини ўрганишига катта эътибор берамиз, курслар ва тўгараклар сонини оширамиз.

С. СОСОРБАРАМ,
МХР маданият министри, монгол-совет дўстлиги жамияти Марказий Совети Президиумининг аъзоси.

Ўзбекистонда Монголия Халқ Республикаси кунлари. Суратларда: 1. артист Оттонжав монгол халқ чолғу асбоби шанзда янги куй чалмоқда. 2. Монгол раққосалари «Деҳқонлар рақси»ни ижро этишмоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ЭКРАНЛАРИМИЗДА — МОНГОЛ ФИЛЬМЛАРИ

Республикамизда Монголия Халқ Республикаси кунлари катта шодиёналик билан бошланиб кетди. Пойтахтимиз Тошкентда, қуёшли республикамизнинг гўзал шаҳар ва қишлоқларида монгол санъати ва адабиёти вакиллари меҳнаткашларга бир неча кун давомида ўзлари эришган муваффақиятларни намойиш қилиб кўрсатадилар.

Монголия Халқ Республикаси кунлари муносабати билан ўтказилаётган кинофестиваль ҳам томошабинларда катта қизиқиш туғдирмоқда. Пойтахтимизнинг бир қанча кўркам кинотеатрлари фестиваль кунларида Монголия кинематографчилари яратган бадиий фильмлар ва ҳужжатли киноленталарни намойиш этади.

Монгол киноси Халқ инқилоби ғалабасидан кейин кенг ривожлана бошлади. 1934 йилда ишлаб чиқарилган «Монголия фарзанди» бадиий фильми Монгол бадиий кинематографиясининг биринчи қалдирғочи ҳисобланади. Бу кинолентанинг яратилишида мамлакатимизнинг йирик студияларидан бири «Ленфильм» киностудияси санъаткорлари яқиндан ёрдамлашдилар.

Ёш монгол киноси билан совет кино санъати ўртасидаги ижодий ҳамкорлик мунтазам давом этиб келмоқда. Ҳар иккала мамлакат санъаткорлари ижодий ҳамкорликда бир қатор ажойиб киноқиссалар яратдилар. «Кавалерист ва танкист», «Биринчи дарс», «Уни Сухэ Батор дейдилар» каби бадиий фильмлар ижодий ҳамкорлигимиз самараларидандир. «Уни Сухэ-Батор дейдилар» бадиий фильмининг яратилишида ўзбек кинематографчиларининг ҳам қиссаси бор. Шуни мамнуннят билан таъкидлаб ўтиш керакки, бу фильм уч киностудиянинг «Монголкино», «Ўзбекфильм» ва «Ленфильм» киностудиялари ижодий коллективларининг ҳамкорлиги натижасида вужудга келган. Тарихий-инқилобий мавзудаги бу ёрқин кинолента монгол халқининг жасур фарзанди, инқилобий ҳаракатнинг толмас курашчиси, Владимир Ильич Ленининг содиқ шогирди Сухэ Баторнинг қаҳрамонона жасоратларини тараннум этади. Ана шу кинофильмларнинг яратилиши жараёнидаёқ санъаткорларимиз ўртасидаги ижодий алоқалар янада мустаҳкамланди, монгол киносанъаткорлари экран санъати «сир»ларини ўрганиш, ифода воситаларини ўзлаштириш, тасвирий тилини бойитишда анча тажрибакор бўлиб қолдилар.

Пойтахтимизнинг ажойиб маърифат қасри — Санъат саройида Монголия Халқ Республикаси маданияти кунлари муносабати билан ўтказилаётган монгол фильмлари кинофестивали тарихий-инқилобий мавзудаги «Тонг» бадиий фильми билан бошланди. Кинофестиваль репертуарида марказий ўринни эгаллаган бу ёрқин кинолента монгол кинематографчилари маҳоратини, улар эришган муваффақиятларни ўзида мужассамлаштирган. Л. Ванган ва Ч. Чимит томонидан ёзилган сценарийга мувофиқ талантли режиссёр Д. Жигжид томонидан постановка қилинган бу ёрқин фильм қардош монгол халқи ҳаётида муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган жанговар-инқилобий воқеаларни акс эттирган.

Залда чироқ ўчиб экранда тасвир бошланар экан, монгол алиппесида ёзилган «Фильм Монголия Халқ Республикаси галабасининг эллик йиллиги ва жаҳон меҳнаткашларининг геннал доҳийси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланади» деган илҳомбахш сўзларга назаримиз тушади. Икки катта шонли санага атаб монгол кинематографчилари томонидан яратилган бу фильмда жаҳон халкларининг улуғ устози, инқилобий таълимотнинг буюк донишманди В. И. Ленин ғояларининг ҳаётбахш ва жозибадор кучи, руҳи сезилиб туради. Фильмда Монголиядаги 1921 йилги Халқ революцияси лавҳалари, монгол халқ инқилобий ҳаракатининг раҳбари, Монгол Халқ революцион партияси ва халқ ҳокимиятининг асосчиси монгол халқининг асл фарзанди Сухэ Баторнинг жанговар сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти ёрқин кинематографик лавҳаларда акс эттирилган.

Фильмда биринчи монгол делегациясининг жаҳон пролетариатининг буюк йўлбошчиси Владимир Ильич Ленин билан учрашуви ва делегация раҳбари Д. Сухэ Баторнинг Кремлда доҳий Ленин билан суҳбати ёрқин ва жозибали лавҳаларда акс эттирилган.

В. И. Ленин монгол халқининг асил фарзанди Сухэ Батор билан суҳбатлашаркан: — Мамлакатингиз учун бирдан-бир тўғри йўл Совет Россиясининг ишчи ва деҳқонлари билан ҳамкорликда ўз мустақиллиги учун курашишдан иборатдир» дейди. Ҳақиқатан ҳам доҳий васиятларига амал қилган монгол халқи социализм қурилишида улкан зафарларни қўлга киритди.

Фильмда Владимир Ильич Ленин образини машҳур ва талантли актёр Юрий Каюров ижросида кўрамиз. Моҳир санъаткор яқинда «Мосфильм»да яратилган тарихий-инқилобий мавзудаги «Олтинчи июль» бадиий фильмида Ленининг баркамол образини гавдалантириб доҳий характерининг ёрқин ва ҳаётбахш фазилатларини нафис ва жозибали ифодалаб томошабинлар олқишига сазовор бўлган эди. «Монголкино» студияси ижодий коллективи яратган «Тонг» кинолентасида улуғ устоз ва камтарин инсон Ленин моҳир санъаткор Юрий Каюров ижросида намоён бўлади. Биз Ленинни Сухэ Батор раҳбарлигидаги монгол делегациясини самимий ҳурмат ва дўстона илтифот билан қабул қилиб, суҳбатлашаётганда кўрамиз.

Фильмда Сухэ Батор образининг талқини талантли ёш актёр Ц. Дашнамжил зиммасига юклатилган. Постановкачи-режиссёр Д. Жигжид, оператор О. Уртнасан, Г. Цэрэн, рассом О. Магнар воқеалар тасвири, қаҳрамонлар характери, монголларнинг миллий урф-одатларини ҳаққоний акс эттириш учун таъсирли кинематографик воситалардан усталик билан фойдаланган.

Монголия Халқ Республикаси кунлари муносабати билан ўтказилаётган кинофестиваль репертуаридан қардош мамлакат меҳнаткашларичнг фидокорона меҳнати, серқуёш ўлканинг жозибали табиати, дарё ва ўрмонлари, табиий бойликлари, монгол чорвадорларининг зафарлари, касб-кори ҳақида ҳикоя қилувчи бир қатор ҳужжатли ва илмий-оммабоп кинокартиналар ҳам намойиш қилинаяпти.

Монгол фильмларида воқеаларнинг содда ритмикаси, деталь ва тафсилотларнинг ҳаётий ифодаси кўзга равшан ташланиб туради. Монгол Халқ Республикаси маданияти кунлари давомида республикамизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам «Оқибат», «Уни Сухэ Батор дейдилар», «Ибодатхона сояси», «Қалб амри билан», «Тошқин» бадиий фильмлар намойиш қилинмоқда.

Монголия Халқ Республикаси кунлари қатнашчилари кино санъати соҳасида эришаётган ютуқларини намойиш этиш билан бир қаторда ўзбек кинематографияси вакилларининг иш тажрибалари ва ижодий режалари билан ҳам яқиндан танишдилар.

Саид ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Кинематография Давлат комитети кинолаштириш ва кинопрокат бошқармасининг бошлиғи.

ЙЎЛДА

Чойж ИЛСУРЭН

Маърифатга интилиб дадил
Ингит борар қиру дашт ошиб,
Кўкрагига тўлиб соф ҳаво
Яйрар олға юргани сари.
Қанча-қанча дафина очиб,
Ўз-ўзини топиб ўзидан
Келар бир кун қишлоғига у,
Қучоқлаймиз яноғин ўпиб.
Ингит борар, жиғила сочин
Тортқилайди саҳро шамоли,
Уфқларга кўз қадайди у,
Қадамига шуъла пояндоз.
Ингит борар маърифат сари,
Кенг шаҳарнинг қучоғига у
Кириб борар чанқоқ қалб билан,
Ҳозир йўлда, ел ўйнар сочин.

ХУШЁР ТУРАЙЛИК

Дендевийин ПУРЭВДОРЖ

Она-бола турна беозор
Турар эди патини тараб.
Бирдан бургут шарпаси келди,
Она турна безовта бўлиб
Қанотининг остига олди
Жўжасини ёвдан қўриқлаб.
Буни кўриб ёдимга тушди
Онажоним, меҳрибоним онам.
Ҳаёт бериб, бахт бериб ҳатто
Тинчимаган у нури дийдам.
Кечалари уйқудан кечиб,
Офатлардан сақлаган мени.
Босар бўлса самони булут,
Қучоғига босган мени у.
Қонхўрлар бор, она тинчини,
Роҳатини бузмоқ бўлганлар...
Фақат ўзин боласинмас,
Олам боласининг паноҳи —
Оналарни ёқлайлик, хушёр,
Қуритайлик урушнинг отин!

Ю. ШОМАНСУР таржималари.

Тошкентдаги тўқимачилик машинасозлиги заводининг коллективи чет мамлакатларга ҳам кўплаб ПК—100М маркали машиналар жўнатишга аҳд қилган. Бу тўқимачилик агрегатларига бўлган талаб-эҳтиёжни ҳисобга олган машинасозлар иш сифати ва унумига катта эътибор беришяпти. Суратда: агрегатни йиғиш пайти. Олдинда слесарь-йиғувчи В. Висоц кий.

М. Баржанов фотоси, (ЎзТАГ).

Халқаро аҳвол

ФРАНЦИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ПАРИЖ. (ТАСС). Париж ёнидаги Курнев шаҳарчасида 27 июнда Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини бошлади.

Пленумнинг биринчи кунида унинг иштирокчилари президент сайловларидан кейинги сиёсий аҳвол ва партиянинг вазифалари тўғрисида Франция Компартияси Сиёсий Бюросининг аъзоси Гастон Плисоньеннинг докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Франция Компартияси, деб таъкидлади Плисонье мураккаб вазиятда ўтган сайловда катта ғалабага эришди. ФКП демократия ва социализм учун курашда катта сиёсий куч эканлигини исбот этди.

Пленум иштирокчилари Г. Плисоньеннинг докладини бир овоздан маъқулладилар.

Пленум ўз ишини давом эттирмоқда.

АНТИДЕМОКРАТИК ҲУКМ

РИО-ДЕ ЖАНЕЙРО, 28 июнь. (ТАСС). Бразилия студентларининг раҳбари Владимир Палмейра икки ярим йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. «Коррейо де Манья» газетасининг хабар қилишича, ҳарбий денгиз флоти трибунали шундай ҳукм чиқарган. Палмейра студентларнинг намойишларини ташкил қилганлиги ва уларда қатнашганлиги учун ҳукм қилинди, деб ёзади газета.

Бразилияда студентларнинг намойишлари мамлакатлар маориф системасини ислоҳ қилишни, маориф ишига ажратиладиган маблағлар кўпайтирилиши ҳамда демократик эркинликлар тикланишини талаб қилувчи оммавий намойишларга айланиб кетди.

„БИОС-3" КЕМАСИ УЧИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). 28 июнь. Маҳаллий вақт билан соат 23-10 минутда АҚШ ичига Бонни номли уч яшар маймун солиб қўйилган «Биос-3» космик кемасини Кеннеди бурнидан учирди.

Вазни 1536 фунтдан иборат бўлган бу сунъий йўлдош «Дельта» ракетаси ёрдамида учирилди. Учиш программасига мувофиқ кема Ер атрофидаги орбитада 30 кун айланиб юради ва унинг Ер юзасидан узоқланиши 230 миль чамаси бўлади.

Бу экспериментнинг мақсади узоқ давом этган вазнсизлик шароитида жонли мавжудоднинг аҳволи қандай кечиши ҳамда космик муҳитнинг жонли организмларнинг фаолиятига узоқ давом этган учиш шароитида қандай таъсир ўтказиши тўғрисида илмий ва медицина маълумотлари тўплашдан иборат.

Илмий программа ўтказиб бўлганидан кейин космик кемани Тинч океан районида, Гавийя ороллари яқинида сувга қўндириш планлаштириб қўйилди.

САМАРАСИЗ СИЁСАТ

ВАШИНГТОН, 28 июнь. (ТАСС). АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси экспортни контроль қилиш тўғрисидаги муддати 30 июнда тугайдиган қонун кучини яна 60 кунга (30 август)гача чўзиш керак деган қарорни кеча қабул қилди ва ўзининг шу қарорини имзолатиш учун президентга юборди. Яқинда сенат ҳам шундай қарор қабул қилган эди.

Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга нисбатан савдо соҳасида ўтказилаётган камситиш сиёсати барбод бўлганлиги Америка жамоатчилигининг тобора кенг доираларига аён бўлиб қолмоқда.

Ақлирасо сенаторларнинг бир қанчаси, шу жумладан Фулбрайт, Маски, Мондейль ва бошқа сенаторлар экспортни контроль қилиш тўғрисидаги қонун бутунлай яроқсиз бўлиб қолганлигини айтиб, уни тамомила қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқдалар.

Шуни айтиб ўтиш керакки, АҚШнинг савдо-саноат доиралари ҳам савдо-сотиқни чеклаб қўйишдан иборат самарасиз сиёсатни маъқулламаганликларини айтмоқдалар.

ИРҚЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁРДАМЧИЛАРИ

Хавфсизлик кенгашининг фавулодда мажлиси 24 июнда тамом бўлди. Бу мажлис Жанубий Родезияда рўй берган аҳволни ва Смит тўдасининг мамлакатдаги африкалик аҳолига қарши қилаётган жиноий ҳуружларини муҳокама қилмоқ учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотида аъзо бўлган 59 давлатнинг талаби билан ўтказилди.

Родезия ирқчилари яқинда жаҳон жамоатчилик фикрига яна дағдаға қилдилар. Улар «референдум» деб аталган чора ёрдами билан Жанубий Родезиядаги оқтанли озчилик маъқуллаган янги конституция лойиҳасини ва мамлакатни «республика» деб эълон қилиш ҳақидаги қарорни расмийлаштирдилар. Янги пайдо бўлган бу «конституция» Жанубий Родезияда оқтанли мустамлакачиларнинг ҳукмронлигини амалда мустаҳкамлашни кўзда тутади. Бу «конституция» Зимбабведа яшовчи 4 миллионли халқ манфаатларига зид равишда қабул қилинди, чунки Жанубий Родезияда яшовчи африкаликларнинг ғоят кўпчилиги овоз бериш ҳуқуқига эга эмас, ҳатто «референдум»да қатнашиш имкониятига ҳам эга эмас.

Африка мамлакатларининг хавфсизлик кенгаши мажлисида сўзга чиққан вакиллари ирқчилар «референдуми»ни кескин қораладилар ва Родезиядаги мавжуд террор ва жабр-зулм режими учун жавобгарликни Англия зиммасига юкладилар. Африкадаги шу мамлакат Англиянинг мустамлакасидир. Африка мамлакатлари вакилларининг нутқларида таъкидлаб ўтилганидек, Англия ҳукумати ирқчиларни жиловлаб қўйиш учун атайин қатъий чоралар кўрмади, ҳақиқатда эса ирқчилар билан тил бирлаштириш йўлига ўтди.

Совет ҳукуматининг вакили ўз нутқида бундай деди: ҳозирги вақтда Жанубий Родезияда вужудга келган вазият шу территорияда яшовчи африкалик аҳолини мустақилликдан маҳрум этишга ва бу аҳолининг озодлик, суверенитет ҳамда социал тараққиётга эришиш йўлига гов солишга қаратилган империалистик сиёсатни ифода этади.

Кўп делегатлар таъкидлаб ўтганидек, Ғарб давлатлари ва аввало, АҚШ, Англия ва Германия Федератив Республикаси Смит режими билан савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқаларни кенгайтириб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Родезия масаласида қабул қилган ҳамма қарорларининг бажарилишига ҳалақит бермоқдалар. Ғарб давлатларининг хавфсизлик кенгашидаги вакиллари ўтказиб келаётган йўл қўйилган ана шу айблар ҳаққоний эканлигини исбот қилади. Ғарб давлатларининг вакиллари мажлисда ўзларини оқлаш учун ҳар қандай писандалар қилиб, пировардида Жанубий Родезияда оқтанли озчилик ҳукмронлиги режимини тугатишда муайян роль ўйнай оладиган қарорлар қабул этилишига йўл қўймадилар. Улар Родезия масаласи ҳақидаги резолюция лойиҳасига очиқ-дан-очиқ қарши чиқишга журъат эта олмай, овоз бериш вақтида бетараф қолиш билан резолюция лойиҳасининг қабул қилинишига йўл қўймадилар.

Родезия ирқчиларининг қабиҳ ҳаракатлари ва уларни қўллаб-қувватлаётган империалистларнинг сиёсати Зимбабведаги мазлум халқни ҳақли суратда даргазаб қилди. Жанубий Родезиянинг туб жой аҳолиси Африкадаги бошқа халқларнинг, бутун дунёдаги прогрессив кучларнинг мададига таяниб, ўз мамлакатида ирқчилик ва мустамлакачилик иллатларини йўқотиш учун янада зўр ғайрат билан кураш олиб боради.

С. ИВАНОВ,
О. АНИЧКИН,
Г. СКОБЕЛЕВ.
(ТАСС).

РСФСРда яқинда бўладиган Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадасига республикамиз ижодкорлари қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Суратда: Навоий номли опера ва балет академик Катта театрнинг ёш созандаси Ф. Шукурова чангда янги куйни ижро этмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ХУШХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

МАҲАЛЛАДА В. И. ЛЕНИН КЕЧАСИ

Октябрь районидаги Абдулла Набиев маҳалла клуби байрамлардагидек безатилган. Кишилар билан жуда гавжум. Бу ерда В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллиги олдидан Ленин тирикларнинг тириги» деган темада адабий кеча ўтказилди. Кечага маҳалланинг кекса отахонлари, онахонлари ҳамда ёшлар таклиф этилган. «Билим» жамияти лектори Ғ. Умаров Ленин ҳақида қизиқарли доклад қилди. Район халқ маорифи бўлимининг мудири С. Сайдаҳмедов «Коммунистик ахлоқ ва тарбия» мавзуида суҳбат ўтказди. Кеча охирида бадиий фильм кўрсатилди.

ЧИЛОНЗОР ЧИРОЙИ

Москваликлар тошкентликларга ажойиб савга ҳадя этдилар. Чилонзорда қисқа муддат ичида қад кўтарган шинам турар-жойларда зилзиладан бошпанасиз қолган тошкентликлар яйраб истиқомат қилмоқдалар. Ўғил-қизларимиз дўстлар қўли билан қурилган боғча ва мактабларда тарбия олмоқдалар. Турар-жой бинолари территориясида бунёд этилган ҳовузча ва фонтанчалар болаларга хуш ёқади, спорт майдончаларида ҳар хил кўнгилочар ўйинлар билан машғул бўлиш мумкин.

Яқинда бу ерда янги магазин ишга туширилди. Бу магазин одатдаги магазинларга ўхшамайди. У каттагина савдо марказини эслатади. Магазин комплексига ошхона, зиёфат заллари, маиший хизмат кўрсатиш комбинати ҳам кирган. Москваликларнинг бу тортигидан чилонзорликлар беҳад хурсанд бўлмоқдалар.

ИТТИФОҚДА УЧИНЧИ

Москва, Киев шаҳарларидан кейин учинчи бўлиб Тошкентда ҳам янги раднотелефон алоқаси жорий этилянти. Алоқанинг янгича усулини жорий этиш билан бир қатор қулайликлар туғилади.

Машинада кетаётиб Тошкентнинг истаган райони билан телефон орқали гаплашиш мумкин бўлади. «Олтой» деб номланган раднотелефон алоқанинг бу янги системаси яқин келажакда ҳамма учун хизмат қила бошлайди. «Олтой» станцияси телеэшиттиришлар олиб боришда, улар сифатини яхшилашда хизмат кўрсатади. Ҳозир Ангрен ретрансляторида «Олтой»дан кенг фойдаланилмоқда. «Олтой» ўрнатилиши билан оҳангаронликларга телеэшиттиришларни тиниқ олиб бериш мумкин бўлди.

«БАҲОР» ЛЕНИНГРАДДА

СССР халқ артисти Мукарама Тургунбоева бошлиқ «Баҳор» ашула ва рақс ансамбли мамлакатимиз бўйлаб сафарда юрибди. Ҳамшаҳарларимиз ўзларининг дастлабки гастролларини Ленинград шаҳрида бошладилар. Эстрада театри биносида бўлиб ўтган дастлабки концертда ансамбль рақҳосалари томонидан ижро этилган «Тановар», «Пахта» рақслари айниқса томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Баҳор ансамблининг мазкур сафари август ойигача давом этиб, ўзбек санъаткорлари Ватанимиз пойтахти Москва, Владимир, Иваново, Ярославль, Қозон, Ульяновск каби ўнлаб шаҳарларда ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Пойтахтимизнинг Октябрь районидаги Ҳамид Олимжон номли 139-мактабнинг гулларга бурканган ҳовлиси яқинда «Ленинчи», «Октябрь 40 йиллиги», «Иттифоқ» ва «Биринчи Чимбой» маҳаллалар меҳнаткашлари вакиллари билан гавжум.

Улар учрашувга келишган. Мактаб директори Раҳим ака Рихсиев меҳмон — кекса коммунист Муҳаммад Бақоевга сўз беради.

— 1920 йилда Кремлдаги курсантлар мактабига бир неча киши ўқишга таклиф этилдик, — дейди у. — Ўқишлар, машғулот бошланиб кетди. Биз ўқиётган корпуснинг рўпарасида Владимир Ильич Ленининг иш кабинети жойлашган эди. Ленин тушки овқатдан сўнг биз машғулот ўтказадиган майдон атрофидаги арчазорни айланар, кишилар билан саломлашиб суҳбатлашар, баъзан ёш болаларни арча атрофида айлантириб ўйнатарди.

Курсантлар бир бўлиб майданнинг атрофини тозалаш учун ҳашар ўтказаётган эдик. Шу пайт Ленин келиб қолди ва бизга қараб: «Баракалла курсантлар, озодалик жуда яхши, қани менга ҳам иш кўрсатинглар» — деб замбилнинг бир томонини кўтара бошлади.

Командиримиз: «Сизга оғирлик қилади, Владимир Ильич» деса ҳам Ленин ишга киришиб кетди.

— Менинг ҳаётимда учраган яна бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди, — деб ҳикоясини давом эттирди Муҳаммад ака. — Москва Катта театрида бўладиган постановка учун Ленин ва Крупскаяга билет берилган экан. Бироқ, шу куни уларнинг зарур иши бўлиб, театрга тушиш имконияти бўлмабди. Шунда Ленин шу иккита билетни энг яхши курсантларга беришни таклиф этибди. Шунда командиримиз курсантларимизнинг ҳаммаси яхши, аммо бўлларнинг ичида Ўрта Осиёдан келганлар бор, билетни шуларга берсак, деган таклифни киритибди. Шунда Ленин жуда хурсанд бўлиб, билетни командирга топширибди. Командиримиз мени ва яна бир туркистонлик дўстимни чақириб, воқеани тушунтирди. Ленинга тегишли бўлган билетни менга, Крупскаянинг билетини дўстимга берди...

Ҳ. ИУЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг штатсиз мухбири.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

ТОШКЕНТЛИК ВОЛЕЙБОЛЧИ ФАХРИЙ УНВОН ЭГАСИ

Совет ёшлари байрами куни Ленин комсомолининг «Спорт шарафи» фахрий унвони лауреатлари маълум бўлди. Улар жаҳон спорт аренасида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб бораётган 18 кишидан иборат. Лауреатлар орасида олимпиада чемпионлари, жаҳон биринчилиги голиблари, ветеранлари кўрамиз. Тошкентлик волейболчи қиз — Мехико олимпиадаси голиби Вера Галушка ҳам ана шу лауреатлар сафидан жой олганлиги ўзбекистонлик барча спорт мухлисларини қувонтирди.

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

Ўтган шанба ва якшанба кунлари СССР Кубогининг чорак финал ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган футбол командаларининг деярлик ҳаммаси маълум бўлди.

Ленинграднинг «Зенит» командаси ўтган йилги кубок эгаси — Москва торпедочиларига 0:1 ҳисобида ютқазди. «Рубин» (Қозон) командаси ҳам ўз майдонида маглубиятга учради. Бу коллектив Николаевнинг «Судостроитель»идан қўшимча берилган вақтда 0:2 ҳисобида енгилди. Львовнинг «Карпати» футболчилари олий лига вакили бўлган Одессанинг «Черноморец» командаси устидан 2:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Илгаридан Кубок ўйинларида муваффақиятли қатнашиб келган Саратовнинг «Сокол» командаси бу сафар ўз майдонида «Труд» (Воронеж)га ютқазиб қўйди — 1:2. ЦСКА футболчилари пойтахтда Житомир шаҳрининг «Автомобилист» командасини қабул қилиб, унинг қаршилигини енга олмадилар. Қўшимча берилган 30 минутда ҳам 0:0 ҳисоби ўзгармай қолди. Рақиблар кеча қайта майдонга тушишди.

Шундай қилиб, СССР Кубогининг чорак финалида Киев динамочилари ЦСКА — «Автомобилист» учрашуви голиби билан ўйнайди, СКА (Ростов) — «Динамо» (Москва), «Карпати» (Львов) — «Труд» (Воронеж), «Судостроитель» (Николаев) — «Торпедо» (Москва) учрашади.

ЯНГИ ПЕШҚАДАМ

«А» класси иккинчи группа командалари ўртасида пешқадам ўзгарди. Узоқ вақтгача биринчи ўринда келаётган «Олга» карвонбошиликни Тбилисининг «Локомотив» футболчиларига бериб қўйди. Тбилиси темирйўлчилари ўтган турда «Фарғона»нинг «Нефтяник» командасини қабул қилиб 2:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. «Локомотив» 18 ўйиндан 23 очко тўплади. Бу турда қатнашмаган «Олга» 21 очко билан иккинчи ўринга тушди.

«Политотдел» колхози футболчилари сафардан яхши натижа билан қайтмоқдалар. Улар Кишеневдаги ғалабадан сўнг Гродно шаҳрида яна бир очкони қўлга киритдилар. Улар маҳаллий «Неман» билан бўлган учрашувни 0:0 ҳисобида тугатдилар. «Зарафшон» эса Ткибули шаҳрида бўлган ўйинда 0:3 ҳисобида маглубиятга учради. Ҳозир «Политотдел» 18 ўйиндан 21 очкога (5-ўрин), «Нефтяник» 17 ўйиндан 18 очкога (12-ўрин), «Зарафшон» 16 очкога (14-ўрин) эга.

КУБОК ЧИРЧИҚ АВТОМОБИЛЧИЛАРИДА

Чирчиқ шаҳрида пойтахт области кучли автомобилчилари мусобақалашдилар. Мусобақада областимизнинг шаҳар ва районларидаги автомотоклубларнинг 12 та командаси иштирок этди. Улар автомобиль икки қурашида маҳоратларини намойиш қилдилар. Биринчидан, автомобилни фигуралар ясаб ҳайдаш маҳорати бўйича ва иккинчидан маълум трассада ёнилғини иқтисод қилиш бўйича баҳслашдилар. Чирчиқ шаҳри автомотоклуби бу мусобақада голиб чиқди.

Голибларга кўчма кубок ва область ДОСААФ комитетининг ёрлиғи топширилди. Голиблар республика мусобақаларида иштирок этадилар.

„МУХБИР“

Журнал номининг ўзиёқ унинг вазифалари, йўналиши, ўқувчилар доирасини кўрсатиб турибди. Аввало, у газета-журнал, нашриёт, телеграф агентлиги, радио ва телевидение ходимлари учун мўлжалланган. Журнал матбуотимизнинг жамоатчи мухбирлари — ишчи-деҳқон ва ҳарбий мухбирларга ҳам катта эътибор беради.

Журнал республика матбуоти практикасини чуқур ва ҳар томонлама ёритишга ва умумлаштиришга, совет матбуотининг ленинча принципларини кўрсатиб беришга, ўз маҳоратини такомиллаштиришда, совет журналистикасининг тарихи, назарияси ва практикасини ўрганишда газета, журнал, нашриёт, радио ва телевидение ходимларига ёрдам беришга даъват этилган. Шу мақсадда журнал ўқувчиларни энг яхши журналистларнинг ижодий лабораторияси билан таништиради, журналистлик маҳорати, журналистларнинг савияси тўғрисида, газета жанрлари, партия ва совет матбуотининг услуби ва тили ҳақида мақолалар бериб боради. Ҳар бир сонда маҳаллий журналистлар ташкилотлари, редакцион коллективларнинг фаолияти, тажрибаси ва ташаббуси кенг ёритилади. Журнал район газеталари, деворий газеталарнинг ишига, ишчи-деҳқон мухбирлар ҳаракатини ривожлантиришга бундан буён ҳам алоҳида эътибор беради.

«Союзпечать»нинг барча пунктларида, почтамтларда, алоқа конторалари ва бўлимларида журналимизга обуна бўлиш мумкин, завод ва фабрика, колхоз ва совхоз, олий ўқув юрти ва муассасаларидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан ҳам обуна қабул қилинади.

Обуна баҳоси йилига 2 сўм 40 тийин. Бир сонининг баҳоси 20 тийин.

Тошкент Марказий универмаги нинг бу секциясида фото ҳаваскорлари истаган буюмларини топа оладилар. Сотувчилар харидорлар га фото асбобларидан фойдаланиш бўйича зарур маслаҳатларни ҳам берадилар. Мана бу суратда ҳам кноска мудири Ботир Каримов (олдинда) катта сотувчи Миржалил Мирзокиров билан харидорга фото аппарат танлашда ёрдамлашмоқда.

Э. Эргашев фотоси.

ЎРТА ОСИЁ САНОАТ ЯРМАРКАСИ

Бу ер бир неча кундан буён жуда гавжум ва серфайз. Катта-катта сўрилар тагига турли-туман машина асбоблари ўзи ёки макети қўйилган. Ярмаркада оддий игна ва тугмадан тортиб, қудратли машиналаргача ҳаммаси бор. Уларни истаганингизча харид қилишингиз мумкин.

«Ғалаба» дам олиш ва истироҳат боғида ташкил этилган Ўрта Осиё саноат ярмарканси бутун мамлакатда катта қизиқиш уйғотди. Унда фақатгина Ўрта Осиё республикаларигина иштирок этиб қолмай, бутун мамлакатимиздаги юзлаб шаҳарлар, корхоналар ва ташкилотлар иштирок этди. Ярмарка комитети раисининг ўринбосари Михаил Хискиевич Зауров ярмаркани ўтказишда назарда тутилган мақсад ҳақида қуйидагиларни айтди:

— Ярмарка корхоналар ва ташкилотларда керакси бўлиб ётган турли-туман асбоб-ускуналар ва материалларни реализация қилишга мўлжалланган. Унда иштирок этаётганлар ўз ҳисобларида турган, лекин ишлатиш зарурати туғилмаётган ҳар хил машина-механизмлар, запас қисмларни шу ерда бунга эҳтиёжи бўлган корхоналарга сотадилар.

Маҳсулот реализация қилган идора ва ташкилотлар бундан катта наф кўришади. Чунки планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси тобора кенг жорий қилинаётган ҳозирги вақтда нормативдагидан ортиқча хом ашё ва материалларни, ишлаб чиқариш учун фойдаси тегмайдиган асбоб-ускуналарни сақлаб туриш зарардир. Янги тартибга мувофиқ ҳар бир машина-механизм ҳисобидан давлат бюджетига ажратмалар тўлаб туриш керак. Хом ашё ва материаллар запаси керагидан ортиқча бўлса, бунинг учун ҳам қўшимча ҳақ тўланади.

Сон-саноқсиз столлар ёнида деярли барча қардош республикаларнинг номлари ёзиб қўйилган тахтачалар бор. Қизиқканлар ана шу стол ёнида ўтирган вакиллардан сотиш учун қандай маҳсулотлар олиб келишганини ёки нималарни сотиб олиш истаклари борлигини биладилар.

Ярмарка очилганидан сўнг ўтган икки кун ичида 6 миллион сўмлиндан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди. Фақатгина Целиноградданги таъминот бошқармаси икки кун давомида деярли 1 миллион 200 минг сўмлик асбоб-ускуналар ва материалларни сотди.

«Главташкентстрой» ярмаркадан жуда катта наф курмади. У икки кун ичида омборларда тиқилиб ётган, аммо ишлатиш учун керакси бўлган 250 минг сўмлиндан кўпроқ турли ускуналар ва материалларни сотди. 1-уйсозлик комбинати трубалар, обойларни реализация қилишдан 40 минг сўмга яқин жамғарма олди. Биргина экскаватор заводи 32 минг сўмлик пайвандлаш электродларини сотишга муваффақ бўлди.

— Лекин, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек, республикамиз пойтахтидаги қатор министрликлар корхоналари ва ташкилотларининг ярмаркада жуда суст қатнашаётганликлари кишини ажаблантиради, — дейди ўртоқ Зауров.—

Масалан, республика қишлоқ хўжалик министрлиги олайлик. Ҳа министрлик, ва унга қарашли бирорта колхоз ёки совхоз бу галги ярмаркада иштирок этмаяпти. Ваҳоланки, улар ўзлари учун зарур бўлган жуда кўп асбоблар, материалларни шу ердан харид қилишлари мумкин эди. Республика Бинокорлик материаллари саноати, озиқ-овқат саноати, энергетика ва электрлаштириш, Махсус ва монтаж ишлари министрликлар раҳбарларининг ярмарка ахамиятига етарли баҳо беришмаганлигидан таажжубланасан, холос.

Ярмарка барча моддий ресурсларни қайта тақсимлаш ишига хизмат қилди.

ЎН МЕТРЛИ ИЛОН БОРМИ?

ТАБИАТ ОЛАМИДА

Ҳар бир жонивор ҳақида илон ҳақидагидек кўп миш-миш тарқалмаган. Оламлар ҳам кўпинча бу миш-мишлардан қай бири росту, қай бири тахмин эканини билолмай қолишади.

...Кишиларнинг илон билан учрашишлари эҳтимолдан кўпинча ҳоли эмас, аммо улар кутилгандек ончалик тез-тез учрашиб турмайдилар ҳам. Ҳа, инсон билан илоннинг табиатдаги манфаатлари ҳеч тўқнашмайди, улар тамомила бошқа-бошқа. Улар ҳаётмамот учун бир-бирлари билан олишишларига ҳам ҳеч қандай сабаб йўқ.

Планетамиздаги бор илонларнинг энг йириклари қўйидаги беш турга бўлинади:

АНАКОНДА ИЛОНИ — у Амазонка ҳавзасида яшайди.

ТУРСИМОН ПИТОН — (ўзи бўғувчи заҳарсиз илон) — Шарқий-Жанубий Осиё ва Ҳинд океани ороллари яшайди.

ЯЛБАРС ПИТОНнинг — тарқалиш чегараси бироз шимолроқдан, Ҳиндистондан ўтади.

ҒАДИР-БУДИР БУҒМА ИЛОН — Африканинг ҳамма ерида учрайди.

АМЕТИСТ ПИТОНИ — Австралияда ва қўшни тропик ороллари яшайди. Бу жуда кам учрайдиган илон бўлиб, унинг қилиқлари ва ҳаёт тарзи ҳақида жуда кам хабардормиз.

Анакондани бекорга сув бўғма илони деб аташмаган. Негаки у кўп вақт сувда бўлади. Қуруқликда яшайдиган ва юқорида номлари саналган илонлар эса сувда бемалол чўмилишиб, жуда яхши суза оладилар. Айниқса, пўст ташлашдан олдин ва пўст ташлаш даврида улар сувда узоқ сузишни яхши кўрадилар. Афтидан, бу пўст ташлаш пайтида рўй берадиган тери қичишини камайтирса керак, чунки пўст ташлаш оғир ўтади.

Анакондани фақат торден тўғри қилиб тортиб қўйишгина катталигини ўлчаш мумкин. Лекин, бундай ғайри-табиий ҳолда илонни тутиб туриш осон иш эмас. Фақат ўлган илон жасадини ёки ундан олинган илон терисини ўлчаб, аниқ натижа олиш мумкин.

Бунда эндигина шилиб олинган терини 20 ва ҳатто 50 процентгача чўзиш мумкин. Илон териси билан савдо қилувчилар шундай қилишади: тирик бўғма илонларни метрлаб ва сантиметрлаб, терисини эса квадрат дециметрлаб сотишади.

1962 йилда АҚШ га шу йўсинда 8 миллион, Англияга эса 12 миллион илон териси келтирилган. Улар қайта ишланиб, буюм тайёрланади ва сотилади. Ҳозирги вақтда ғарблик модапарастларни илон терисидан ясалган сумкачалар қизиқтирмай қолди. Энг сўнгги мода илон терисидан тайёрланган халатлар, пойафзал ва ҳатто бутун бошлиқ костюмлар кийишни тавсия қилляпти.

Юқорида айтганимиздек, бўғма илонларнинг энг йириклари анаконда ва тўрсимон питон (бўғма, заҳарсиз) илонлардир. Агар жуҳжатлар билан тасдиқланмаган ахборотларни бир ченкага йиғиштириб қўйсак, унда Амазонкада 20 метрли ва ҳатто 30 метрли анаконда илонлари борлиги миш-миш, холос.

Ишончли ҳужжатларга таяниб, шундай деймиз: энг йирик илон — бу қуруқликда яшайдиган тўрсимон питон, яъни тўрсимон бўғма илондир.

Тўғри, жуда катта анакондалар ҳам бўлиши мумкину, бироқ уларни ҳеч ким кўрмаган. Нью-Йорк ҳайвонот боғи узунлиги ўн метрдан ортиқ бўлган анакондани тутиб келтирган кишига ўн минг доллар ваъда қиляпти. Бундай илон оғирлиги камида 150 килограммдан ортиқ бўлади. Шунинг учун ҳам уни Нью-Йоркка келтириш учун мукофотнинг анча қисмини сарфлашга тўғри келади. Шу боисдан ҳам ҳеч ким бундай ишга қўл урмаяпти.

Зоолог олим Эммен Ден «Колумбияда узунлиги 11,5 метр келадиган анакондани ўлдирдим», деб расмий ҳужжат тузган. АҚШнинг Сан-Диего шаҳридаги ҳайвонот боғида эса 855 сантиметрлик анаконда бўлган. Реклама учун 9 киши уни кўтариб, ташқарига олиб чиқарди. Бу илоннинг оғирлиги 115 килограмм бўлган.

Хўш, тўрсимон питонларчи? Борнео оролидан келтирилган питон 9 метру 85 сантиметр узунликда бўлган. Қоҳира ҳайвонот боғидаги питоннинг узунлиги эса 9 метр бўлган. Бу илон 69 йил қафасда яшаб, ғалати рекорд қўйган.

Кўплар, бўғма илонлар 150 йилгача яшайди, деб ҳисоблашади. Лекин, буни ҳали ҳеч ким тасдиқлаганича йўқ. Тўғрироғи, улар 80, нари борса 100 йил яшашади.

Питсбургдаги ҳайвонот боғида мана 32 йилдан бери тўрсимон питон яшайди. Унинг узунлиги 8 метру 95 сантиметрдир. Бу илон тутқунликда яшаётган илонларнинг энг узунидир, деб ҳисобланади.

(«НАУКА И ЖИЗНЬ» ЖУРНАЛИДАН).

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.30—**Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.35—**Телеянгиликлар,** 18.50 — **Қўғирчоқ фильм,** 19.10—**«Узбекистон-69»** виставкасида.

Ўзбек тилида: 19.30—**Пойтахтимиз меҳмонлари.**

22.30 дан— **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

УҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Рус тилида: 18.00—**Физика,** 18.30—**Математика,** 19.30—**Немис тилидан 34-машғулот.**

19.55 дан—**Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 22.30 — **Абадий биродарлик** (ҳужжатли фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 20.00 — **Садо тарқатувчи дарахтлар** (музикали программа), 20.40—**Коми дарёси, қиссаси** (ҳужжатли фильм).

Рус тилида: 21.00 — **Икки кўча** (ҳужжатли фильм), 21.20 — **Бургут** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА—1/VII да **Чио-чио-сан,** ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—1/VII да **Ўғирланган умр,** 2/VII да **Мудҳиш айбнома,** 3/VII да **Бой ила хизматчи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА (ёзги бинода) — **Огаҳий номли Хоразм область музикали драма ва комедия театрининг гастролларн.** 1/VII да **Қайнона,** 2/VII да КАТТА КОНЦЕРТ, 3/VII да **Ғурбатда ғариб — Махтумқули.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Серафим Фролов севгиси — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕЕТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Париж—Варшава визасиз — «ЧАЙКА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Занжирбанд орол — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «НАВОИ» номли (кундуз ва кечқурун).

Тошқин — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб 11.45 минутда).

ЕЗГИ БИНОДА

Макс Линдер компаниясида — ТЕЛЬМАН номли.

Париж—Варшава визасиз — «ФЕСТИВАЛЬ».

Серафим Фролов севгиси — «ХИВА».

«ПОЛИТОТДЕЛ» КОЛХОЗИ СТАДИОНИДА

1 июль кеч соат 7 яримда СССР биринчилиги учун «А» классининг

«ЖАЛГИРИС» (Вильнюс) — «ПОЛИТОТДЕЛ» (Тошкент области).

командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси В. И. Романовский номидаги математика институти коллективи дифференциал тенгламалар бўлимининг мудири Т. Жўраевга отаси

Жўра МАМАСОЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети Ўзбекистон Коммунистик партияси область комитетининг аъзоси, область Советининг депутати Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхоз раиси У. Жўраевга отаси

Жўра МАМАСОЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон КП Тошкент область партия комитети ва Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг ижроия комитети коллективлари меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг депутати, Янгийўл район олмазор шифохонасининг врачи

Вера Николаевна ХВАННинг

вафот этганлигини маълум қилади ва марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Гашкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 ўй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495, Редактор ўринбосарлари — 835885, 836232, Масъул секретарь — 834808, Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936, Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — 835811, Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761, Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Эълонлар бўлими — 838142, Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Б—2312. ИНДЕКС — 6469. Р. 14407.